

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛЬТЕТИ

“МАРКЕТИНГ” КАФЕДРАСИ

“Химояга тавсия этилади” кафедра
муdiri _____ Ф.Ахмеджанова.
Баённома № ____ 2014 й.

**5340300-Маркетинг (туризм) таълим йўналиши МР-110 гуруҳ талабаси
ЮСУПОВА ДИЛДОРАНИНГ**

**“Кластер корхонаси рақобатбардошлигининг стратегик таҳлили (Хива
туристик кластери мисолида)” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: “Маркетинг” кафедраси
доценти, и.ф.н. Ибрагимов И.Х.

САМАРҚАНД-2014

Мундарижа

КИРИШ	3
1-БОБ. МИЛЛИЙ ТУРИЗМ ИНФРАСТРУКТУРАСИНИ КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	16
§ 1.1. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш шарт-шароитлари	16
§1.2. Туризмда клестер ёндашуви	20
§ 1.3. Хоразм вилоятида миллий туризмни ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурлар мазмуни.....	31
2-БОБ. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУРИСТИК ОБЪЕКТЛАР ҲОЛАТИ ВА ИМКОНияТЛАРИНИНГ МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ	38
§ 2.1. Хоразм вилояти туристик - рекреацион кластер объектларининг ҳолати.....	38
§ 2.2. Хоразм вилояти туризм кластерини ривожлантиришда туристик ресурслари имкониятларининг таҳлиллари.....	52
§ 2.3. Хива туристик кластеридаги меҳмонхоналарнинг рақобат муҳити, рақобатбардошлигини ифодоловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таҳлиллари	63
3-БОБ. ХИВА ТУРИСТИК КЛАСТЕРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ	74
§3.1. Хоразм вилояти туристик хизматлар тармоғининг ривожланиш истиқболлари	74
§3.2. Хива туристик кластерининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари	86
Хулоса ва таклифлар	92
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	96

КИРИШ

Туризм - иқтисодиётнинг юқори даромад келтирадиган ва жадал ривожланаётган йирик тармоқларидан. Айни пайтда, мазкур тармоқ дунё мамлакатлари ва халқларининг маданият соҳасидаги амалий мулоқотида ўзига хос йўл вазифасини ўтамоқда. Жаҳон сайёҳлик саноатида туризмдан тушаётган даромад автомобил ишлаб чиқариш, нефт ва газ саноатидан кейин учинчи ўринда туради. Дунёда туризм соҳасида 195 миллион киши ёки иш билан банд аҳолининг 8% меҳнат қилмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, дунё бўйича сайёҳлар оқими йилига 4-5% ўсмоқда. 2012 йилда сайёрамизда саёҳат қилувчилар сони бир миллиарддан ошди.

Ўзбекистон – замонавий сайёҳлик инфратузилмасига эга мамлакат. “Ўзбектуризм” миллий компанияси маълумотларига кўра, Туризм хизмат соҳаси ХХИ асрда иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг истикболли ижтимоий-иқтисодий йўналишларидан бири бўлиб бормоқда. “Ўзбектуризм”МКнинг маълумотларига қараганда 2013 йилда хизмат кўрсатилган чет эллик ва маҳаллий туристларнинг умумий сони 1.977 млн кишидан ошган бўлиб, бунда хизмат кўрсатилган туристлар сонининг усиш суръатлари ўтган йил билан таққослаганда 20% ни ташкил қилган¹. Туризм хизмат соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини ривожлантириш бўйича тадбирларни амалга ошириш ҳисобига қўрсатилган туристик хизматларнинг умумий ҳажми 2013 йилда 2010 йилдаги кўрсаткичлардан 11,3% га ошгани кузатилмоқда. Туристлик хизматлар экспортининг башорати 112,0% га бажарилди. 2010 йил билан таққослаганда ушбу кўрсаткич 127,8% ни ташкил қилди.

2012 йил якунига кўра мамлакатимизда ушбу соҳада 865 сайёҳлик ташкилоти – 506 сайёҳлик оператори ва 359 меҳмонхона фаолият юритмоқда. Республиканинг умумий экспорти таркибида туризм экспортининг улуши 4 фоизга (2011 йилда — 3,2 фоиз) тенг бўлди².

¹ <http://www.gazeta.uz/uz/2012/07/18/yaim/>

² Шу ерда.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида туризм тармоғининг ўрни ва аҳамияти Ўзбекистоннинг халқаро туризм соҳасидаги рақобатдаги устунликлари, халқаро алоқаларнинг ривожланишида мазкур тармоқнинг роли ҳамда иқтисодий ўсишга қай даражада имконият яратиши билан белгиланади. “... Агар туризмни кўриб чиқадиган бўлсак, умумий тамойилларга кўра, ҳар бир туристик пакетда энг камида иккита хизмат тури бўлади, булар: ташиш ва жойлаштириш хизматлари пакетидир. Буларасосий туристик хизматлар дейилади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, қўшимча туристик хизматлар ҳам бўлиб, уларнинг сони 400 дан ортиқдир. Юқорида айтиб ўтилган иккита (асосий) хизмат туридан ташқари қолган барча хизматлар қўшимча туристик хизматлардир. Ҳатто, овқатлантириш ва экскурсия хизматлари ҳам. Туристнинг хоҳишига кўра, ташкилотчи томонидан хизматлар кенгайтирилиши мумкин, ёки бу нарса ташкилотчилар томонидан туристнинг танловига кўра белгиланади. Иккинчиси маъқулроқ, чунки, умумий нархлар рақобатнинг тамойил ва қадриятларига кўра, минимал даражага тушмоқда. Бу эса авваламбор хизматлар “пакети” нинг ҳам минималлашишига олиб келмоқда. Шу аснода ҳар қандай миллатга мансуб турист ҳам аввало нархларга эътибор беришини ҳисобга олиш зарур”³

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда сайёҳлик соҳасини тараққий эттириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар жараёнида ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу борада қатор ҳудудий дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Сайёҳлик хизматлари кўрсатиш соҳасига маданият, телекоммуникация, савдо, овқатланиш, саноат соҳаси ташкилотлари ҳамда муассасалари, оммавий ахборот воситалари фаол жалб этилмоқда. Мамлакатимизда ички туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш, ҳудудлардаги

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

сайёҳлик базалари, дам олиш зоналари, пансионатлар, санаторий ва курортлар, рекреацион ва экотуристтик ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир.

Бу жараёнда сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол киритишга хизмат қилиши шубҳасиз.

– Ҳар бир ҳудуд учун 2011-2012 йилларга мўлжалланган манзилли чора-тадбирлар дастурларида вилоятлар, туманлар, шаҳар ва қишлоқларда ички туризмни ривожлантириш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган аниқ тадбирлар белгилаб берилган. Ушбу тадбирлар ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари ва ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Масалан, тарихий ва меъморий обидалар нисбатан камроқ ҳудудларда фаол турдаги туристик хизматларни йўлга қўйиш, шунингдек, тоғли зоналар, қишлоқ жойларга мўлжалланган алоҳида турдаги туристик хизматларни ташкил қилиш каби вазифалар назарда тутилган. “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда мазкур тадбирларни амалга ошириш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самарасида Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах ва Хоразм вилоятларида бир қанча ўтов оромгоҳлари, кемпинглар, дам олиш ва соғломлаштириш масканлари барпо этилиб, сайёҳлар учун турли туристик хизматлардан фойдаланиш имкониятлари яратилди.

Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон сингари шаҳарларимизда халқимизнинг бой тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи қадимий обидалар авайлаб сақланаётганлиги ҳамда миллий ҳунармандлик марказлари

фаолият кўрсатаётгани мазкур ҳудудларда нафақат халқаро, балки ички туризмни ҳам жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, Бухородаги маданий ва тарихий ёдгорликлар, жумладан, Масжиди Калон ва Чор Бакр мажмуалари, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний каби буюк аждодларимизнинг қадамжоларини зиёрат қилиш мақсадида минглаб ҳамюртларимиз мазкур вилоятга саёҳат қилмоқдалар.

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари, хусусан, Оролбўйида ҳам ички туризмни ривожлантириш ишлари доирасида янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги қадимий қалъалар ҳамда диққатга сазовор жойлар бўйлаб уч йўналишда саёҳатлар таклиф этилмоқда. Хусусан, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати, Устюрт кенгликларидаги сайёҳлар яйлови, Судоче кўлининг сақланиб қолган акваториясига саёҳатлар уюштирилмоқда. “Саҳролар ичра ўтмиш садолари”, “Оролга саёҳат”, “Тилаклар қудуғи”, “Ипак ипи мўъжизаси”, “Қорақалпоғистоннинг қадимий қалъалари” каби дастурлардан иборат йўналишлар сайёҳларга кўпроқ маъқул келмоқда. Ўлканинг бой тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган Нукус шаҳридаги И. Савицкий номидаги санъат музейида тўқсон мингдан ортиқ экспонат сақланади. Қорақалпоқ элининг миллий безаклари, халқ амалий санъати намуналари, каштачилик буюмлари, миллий либослари сайёҳларнинг эътиборини тортмоқда.

Оролбўйига сайёҳларни янада кўпроқ жалб этиш мақсадида минтақанинг табиий иқлим шароитидан оқилона фойдаланилиб, янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Мисол учун, табиий сув ҳавзаларида балиқ, ўрдак овлаш бўйича янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилган. Шунингдек, “Миздақхон қалъа”, “Тупроққалъа”, “Аёзқалъа”, “Чилпиқ” каби қадимий ёдгорликлар, Амударё соҳили бўйлаб экологик турлар ташкил этилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳасига саёҳатга келувчилар кўпаймоқда, ўз

навбатида ҳудудимиз аҳолисининг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Термиз каби шаҳарларимизга саёҳати уюштирилмоқда. Мамлакатимизда сайёҳликнинг, жумладан, ички туризмнинг ривожланиши янги иш ўринлари очилиши, иқтисодиётимизнинг ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролик иштироки ва ҳамкорлик" лойиҳаси олти йўналишдан иборат бўлиб, улардан бири ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган. Сайёҳларга юқори даражада хизмат кўрсата оладиган транспорт компаниялари, овқатланиш шохобчалари билан алоқалар йўлга қўйилди. Археологик ёдкорликларга элтувчи автомобил йўлларида ўзбек, рус ва инглиз тилларида йўл кўрсаткичлар ўрнатилди. Мамлакатимизда ички туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар сайёҳларга қулай шароит яратиш ва уларнинг ўз саёҳатларини мазмунли ўтказишига хизмат қилиши билан бир қаторда Ўзбекистонимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар қаторида туризм ва уни ривожлантириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилиши тўғрисида дастурий режалар тузилган. Бозор иқтисодиёти шароитида кучли рақобат юзага келаётгани туристик фаолиятда илғор технологияларни қўллашни тақозо этмоқда. Мамлакатимиз туризмининг ривожлантириш орқали туристик фаолиятни яхшилаш ва ички бозорда рақобатни кучайтириш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш замон талаби бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 4000 дан ортиқ табиий ва антропоген хусусиятга эга тарихий, маданий ва миллий ёдгорликлар сақланиб қолган. Туристик инфратузилманинг суст ривожланганлиги, кўпгина туристик рекреацион ресурсларга чекловлар мавжудлиги ва информацион бўшлиқ туфайли ва улардан самарали фойдаланиш имконияти чекланмоқда. Туристик хизматлар бозорининг кенгайиши минтақада

меҳмонхона инфратузилмасининг ҳолати ва ташриф буюраётган туристлар оқимиға ҳам боғлиқ. Бугунги кунда туристларнинг кўпчилиқ қисми хусусий секторда, айниқса кичик меҳмонхоналар, мотеллар, пансионатлар ва меҳмонхона типигади уйларда дам олишға кўпроқ эътибор қаратмоқдалар. Барқарор талабнинг мавжудлиғига қарамасдан туристик қорхона ва меҳмонхоналар олдида бир қатор муаммолар мавжуд.

Мавзунинг долзарблиғи ҳам шундан келиб чиққан бўлиб, республикамизда туризмни ривожлантиришнинг янги усуллари топиш, туристик қорхоналарнинг интеграциялашуви ва уларнинг рақобатбардошлиғини ошириш, барқарор туризм инфратузилмаларини шакллантириш муаммоларини асослаб бериш вазифасини қўяди. Мазкур муаммоларни ўрганиш, уларни илмий таҳлил қилиш, бу борада тўпланган билим ва тажрибалар асосида қўйилган мақсад в вазифаларни ҳал қилишға доир илмий таклифлар киритиш танланган мавзунинг долзарблиғини кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилганлиқ даражаси. Туризм соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бораётган дунёнинг етакчи олимларидан Ф.Котлер⁴, А.А. Петросян⁵, А. Александрова⁶, А.В.Лаут⁷, С.В.Волохович⁸, Р.А.Фатхутдинов⁹, В.Р. Иванченко¹⁰ ва бошқа кўплаб олимлар ўз илмий тадқиқотларида туризм ривожланишидаги муаммоларни ҳал этиш, уларда стратегик маркетинг ва рақобатбардошлиқни ошириш тўғрисида ўзларининг илмий-амалий фикр-мулохазаларини берганлар. Мамлакатимиз олимларидан Б.Ш. Сафаров¹¹,

⁴ Котлер Ф., Боуэн Дж., др. Маркетинг. Гостеп-риимство. Туризм. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2005г

⁵ В. И. Азар Экономика и организация туризма», 1972 й

⁶ Александрова А.Ю. Международный туризм. Учб М.: Аспект Пресс, 2002. 470 с

⁷ Лаут А.В. «Брендинговая политика как фактор повышения конкурентоспособности организации»// Дисс. канд. экон. наук – П., 2011. 16 с

⁸ С.В.Волохович. Совершенствование конкурентоспособности системы управления предприятием в современных условиях й. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук 2011 г, 25 с

⁹ Фатхутдинов, Р.А. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление / Р.А. Фатхутдинов. – М.: ИНФРА-М, 2005

¹⁰ В.Р.Иванченко Методические особенности оценки конкурентоспособности малого предпринимательства приморского региона (на примере Калининградской области) . Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук, 2012 г, 25 с

¹¹ Сафаров Б.Ш Минтақавий туризм хизмат бозорининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш, и.ф.н. дисс.автореферати, Самарқанд 2011 йил 28 б

Н.С. Ибрагимов¹², Б.Х. Тураев¹³, А.Ш.Файзиева¹⁴, З.О. Рахимов¹⁵, М.Т. Алиева¹⁶, О.Жалилов¹⁷ ва бошқа кўплаб олимлар ҳам ўзларининг илмий тақлифлари билан республикамізда туризмни ривожлантиришнинг назарий-амалий асосларини яратилишига муҳим хисса қўшишган. Рақобатбардошлик, бозор иқтисодиёт шароитида корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш ва уларда стратегик режалаштириш, маркетинг тадқиқотлари олиб бориш ва уна такомиллаштириш масалалари мамлакатимиз олимларидан У.М.Мўминов¹⁸, Н.Э.Алимходжаева¹⁹, Н.Ч. Сафаров²⁰, Ф. И. Мирзаев²¹, С.Ш. Ҳасанов²², И.Х.Ибрагимов²³ ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган. Аммо мамлакатимизда барқарор туризм инфратузилмасининг қарор топиши, уларда маркетинги фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш, маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар махсус тадқиқот объекти сифатида кам ўрганилган ва чуқур комплекс тадқиқ қилинмаган. Юқорида қайд этилган тадқиқотларнинг аксарияти мамлакатимиз иқтисодиётининг бошқа соҳа ва тармоқларида олиб борилганлиги сабабли, уларда туризмнинг ўзига хос хусусияти ўз аксини топмаган.

¹² Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш. и.ф.н. дисс.автореферати, Самарқанд 2006 й.-26 б

¹³ Тураев Б.Х. Совершенствование системы менеджмента в туристической деятельности. Диссертация. СамИСИ, 2005г., 32 б

¹⁴ Файзиева Ш.Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. и.ф.н. дисс.- ЎЗМУ, 2006. -35 б

¹⁵ Рахимов З.О. Туризм дестинацияларида стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш. Диссертация. Автореферат. Сам.: СамИСИ, 2012й, 26 б

¹⁶ Алиева М.Т, Ҳасанов Л.Г. “Организация туристических маршрутов” Тошкент 2007 г

¹⁷ Жалилов О.З. Перспективы развития историко-культурного туризма в Узбекистане (1991-2010 гг) автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук

¹⁸ У.М. Мўминов. Қишлоқ хўжалигида рақобат муҳитини шакллантириш ва ривожлантириш (Наманган вилояти мисолида)» Иқт.фан.ном. ...дис. автореф-Тошкент 2011 й–26 б

¹⁹ Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни маркетинг тадқиқотлари асосида мувофиқлаштириш //Иқт.фан.ном. ...дис. автореф-Тошкент 2011 й–29 б

²⁰ Н.Ч. Сафаров. «Халқаро транспорт хизматлари бозорида рақобатбардошликни оширишнинг устувор йўналишлари («Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК мисолида)» Иқт.фан.ном. ...дис. автореф-Тошкент 2011 й–26 б

²¹ Ф.И. Мирзаев. “Ўзбекистонда банклараро рақобатни шакллантиришнинг концептуал асослари” Иқтисод фанлари доктори илмий даражаси олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент 2010 й

²² С.Ш. Ҳасанов. Минтақанинг рақобатбардошлик афзалликлари ва улардан самарали фойдаланиш (Сурхондарё вилояти мисолида). иқт. фан. номз дис. автореф. - Тошкент, ТМИ, 2011 й. - 21 б

²³ И.Х.Ибрагимов. “Методы анализа и разработки конкурентной стратегии в гостиничном бизнесе” монография. Самарқанд, СамИСИ, 2013 й–124 с

И.Х.Ибрагимов. Рақобатбардошлик методологияси. Ўқув-услубий мажмуа, СамИСИ, 2012 й –325 б

Туристик хизматлар кўрсатувчи кичик корхоналарда давр харажатларини қисқартириш бугунги бозор муносабатлари шароитида туристик кластерларини ташкил этиш орқали хал этиш мумкин. Туристик хизматлар кўрсатувчи корхоналарнинг бундай кластерни ташкил этиш жараёни мамлакатимизда бугунги кунда суст амалга ошмоқда, лекин хорижий мамлакатларда кластерларнинг маркетинг имкониятларидан кенг фойдаланган холда минтақавий хизматлар бозорида рақобат устунлигини таъминлашда қўлланилмоқда. Бу эса битирув малакавий ишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Битирув малакавий иши мавзусининг мақсади. Хива туристик кластери рақобатбардошлигининг стратегик таҳлил ва уни оширишга қаратилган илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари. битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиққан холда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиққан холда қуйидаги вазифалар белгиланди:
- Туристик кластер, туризмда кластер ёндашуви тушунчаларини ёритиб бериш;
- «туристик кластерларда рақобат, «туристик кластер корхонасининг рақобатбардошлиги тушунчаларига таъриф бериш ва ёритиб бериш;
- Хоразм вилоятининг миллий туризмни ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларини ёритиб бериш;
- Хоразм вилояти туристик рекреацион кластер объектларининг ҳолатига баҳо бериш;
- Хоразм вилояти туризм кластерини ривожлантиришда туристик ресурслари имкониятларининг таҳлилларини келтириш;
- Хоразм вилояти туризм кластерини ривожлантиришда туристик ресурслари имкониятларининг SWOT-таҳлилини тузиш;
- Хива туристик кластерининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишларини ёритиш;

- Хива туристик кластерининг рақобатбардошлигини стратегик таҳлил қилиш ва ошириш билан боғлиқ илмий-назарий тавсиялар бериш.

Битирув малакавий ишнинг предмети. Мавзунинг предмети бўлиб республикада туризмни ривожлантириш, туристик фаолиятни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари, шунингдек “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси Хоразм минтақавий бўлинмаси томонидан ишлаб чиқилган йўриқнома ва ҳаракат дастурлари ҳисобланади.

Мавзунинг объекти. Мавзунинг объекти бўлиб, Хоразм вилоятидаги туристик фаолият кўрсатувчи корхоналар ва Хива туристик кластери ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида келтирилган илмий-назарий хулосалар ва тавсиялар Хива туристик кластерининг стратегик режалаштириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган дастурларнинг ишлаб чиқилиши, уларни жорий этиш бўйича илмий-амалий ишларни амалга оширишга ва ташкиллаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши. Малакавий иш кириш, тўртта боб, хулоса ва таклифлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг мақсад ва вазифалари, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, предмети ва объекти, унинг услубий ва назарий асослари, илмий-амалий аҳамияти, ҳимоя учун олиб чиқаётган масалалар ҳақидаги маълумотлар берилган.

Биринчи боб “Миллий туризм инфраструктурасини кластер ёндашуви асосида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ”-деб номланади. Ушбу бобда Туризмда кластер ёндашуви, унинг моҳияти ва миллий туристик маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишдаги роли, Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш шарт-шароитлари, Хоразм

вилоятида миллий туризмни ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурлар мазмуни ёритиб берилган.

Иккинчи боб “Хоразм вилоятида туристик объектлар ҳолатининг маркетинг тадқиқотлари” деб номланиб, Хоразм вилояти туристик рекреацион кластер объектларининг ҳолати ва Хоразм вилояти туризм кластерини ривожлантиришда туристик ресурслари имкониятларининг таҳлиллари келтирилган. Шунингдек Хива туристик кластерининг SWOT-таҳлили келтирилган.

Учинчи боб “Хива туристик кластерини ривожлантиришда туристик ресурслари имкониятларининг таҳлиллари” деб номланган ва унда Хоразм вилояти туристик хизматлар тармоғининг ривожланиш истикболлари таҳлил қилинган, Хива туристик кластерининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида Хива туристик кластери рақобатбардошлигини ошириш ва стратегик таҳлил қилиш ҳақида якуний хулосалар берилиб, туристик кластер фаолиятни яхшилаш борасидаги бир қатор таклифлар умумлаштирилган.

Битирув малакавий иши мавзусини ёритишда турли хил жадваллар ва чизмалардан ҳам фойдаланилган: 6 жадвал , 14 та расмлардан иборат бўлиб, ишнинг ҳажми 100 саҳифани ташкил этади.

КИРИШ

Туризм ва меҳмонхона индустрияси юқори даромадли ҳамда иқтисодиётнинг инфраструктуравий соҳаси ҳисобланади.

ЮНВТОнинг ҳалқаро туризм Барометрининг таҳлилларига кўра, 2013 йилнинг биринчи ярми ҳолатига жаҳонда ярим млрд. турист сафар қилганлиги қайд этилади. Бу кўрсаткич утган йилнинг шу даврига нисбатан 5 % га ёки 25 млн.га ўсганлигини англатади. Ўсиш суръатлари ривожланган мамлакатларда 4 % га, бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатларда бу кўрсаткич 6% ни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг туризм ва меҳмонхона индустрияси давлатимизнинг шу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиши натижасида кейинги йилларда жадал ўсаётган иқтисодиёт тармоғига айланиб бормоқда. Туризмнинг Республикадаги тарақиётини амалга оширилаётган комплекс чора - тадбирларнинг самарали натижаларини жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганини 2011 йил 9 октябр санасидаги ЮНВТОнинг Жанубий Кореянинг Кёнджоу шаҳрида ўтказилган 19 – сессиясида Ўзбекистонни 2011-2015 йилларда Ижроя Кенгашига сайланишидан ҳам билса бўлади.

Ўзбекистон Буюк Ипак Йўлининг марказий тугунида жойлашганлиги, туризм соҳасининг ривожланиши учун геополитика жиҳатига кўра, стратегик имкониятларга эга эканлиги, мамлакат ҳудудида 4000 дан ортиқ маданий ва тарихий - архитектура ёдгорлиги, кўплаб маънавий ва моддий мерос обидалари соҳанинг ривожланиши учун улкан имкониятлар мавжудлигини тасдиқлайди. Қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз обидаларининг ЮНЕСКО Бутунжаҳон мерос рўйхатига киритилганлиги мамлакат туристик кластерининг ривожланишига пойдевор ясайди.

Ўзбекистон ўзининг бир қанча жаҳонга машҳур ёдгорликлари билан бирга, жаҳон стандартларига жавоб берадиган туристик сервис ҳамда замонавий меҳмонхона хўжалигига эга.

Ўзбекистон туристик брендининг жозибадорлиги йилдан – йилга туристлар оқимининг жадал суръатларда ўсишига сабаб бўлмоқда. 2013

йилда юртимизга 1 млн. 300 мингдан ортиқ турист турли хил мақсадларда ташриф буюрган. Бу кўрсаткич 2010 йилдагига кўра 7.1 % ўсганидан дарак беради. Давлатимиз томонидан тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасини узлуксиз, ҳуқуқий ва молиявий қуллаб – қувватлаб бориши шу соҳада турли хил мулк шаклидаги тадбиркорлик субъектларининг рақобат курашида иштирок этишини таъминламоқда.

Туризм – ижтимоий ривожланишнинг муҳим омилларидан биридир. Соҳанинг ривожлантириш натижасида унга боғлиқ 20 дан ортиқ тармоқларнинг ишга туширилишига ёки ривожланишига тўртки бўлади. Аҳолининг турмуш даражаси ва сифати ўсади, қўшимча иш жойлари очилади, халқаро муносабатлар мустаҳкамланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистонда ҳукуматимиз томонидан соҳани ривожлантиришга оид бир қанча ҳуқуқий – меърий ҳужжатлар қабул қилиниб, ташкилий, молиявий чора – тадбирлар белгиланиб ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда. Мазкур ҳаракатлар провардида туризм салоҳиятини ошириш назарда тўтилади.

Йилда – йилга туристик сервис истеъмол бозорининг динамик ўзгаришларига мос равишда тубдан яхшиланмоқда. Илмий марказлар биргаликдаги изланишлар натижаларига асосланган ҳолда янги тур йўналишлар, турмаршрутлар, ҳудудларнинг хос брендлари яратилмоқда. Шаҳарсозлик ишлари юртимизда кенг қулоқ ёйган, транспорт коммуникацияси чет эллик сармоядорларлар ҳамкорлигида қайта таъмирланиб, янги тармоқлар ишга туширилмоқда. Тезюрар «Афросиёб» поездлари Тошкент-Самарқанд йўналишида туристларни ташиш - транспорт хизматларини кўрсатишда қулайликлар яратди.

Туризм соҳасининг мустақил республикаимизда давлатимиз томонидан изчил ривожлантириб борилишини қўйидаги солномада кўриш мумкин:

1992 йил - “Ўзбектуризм”МК ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори;

- *1994 йил* - ВТО, ПРООН и ЮНЕСКО, ҳамкорлигида Буюк Ипак Йўлини тиклаш бўйича халқаро Форум ташкил этилди.;
- *1995 йил* – “Буюк Ипак Йўлини тиклашда Ўзбекистоннинг иштирокини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори
- *1995 йил* – “Буюк Ипак Йўлида туризм” мавзусида халқаро туристик ярмарка ўтказилди, Тошкент;
- *1997 йил*– “Ўзбектуризм” МК ва бир гуруҳ БТТ экспертлари ҳамкорликда “Туризм тўғрисида” ги қонун лойиҳасини тузиб чиқишди;
- *1997 йил* - Олий Мажлис томонидан “ Туризм тўғрисида” қонун қабул қилинди;
- *1997 йил*- «2005 йилча бўлган даврда туризмни ривожлантириш» дастури қабул қилинди»;
- *2005 йил* - «2006-2010 йилларда сервис ва хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастури» қабул қилинди;
- *2010 йил 8-9 октябр* - “Халқаро туристик бозорда «Буюк Ипак Йўли» брендини силжитиш” мавзусида йиғилиш. “Ўзбектуризм” МК ва ЮНВТО ҳамкорликда “Буюк Ипак Йўлида ҳаракат дастури” ишлаб чиқилди, Самарқанд.
- *2011 йил* – Ўзбекистоннинг 2011-2015 йилларда БТТ Европа минтақавий гуруҳи томонидан Ижроия қўмитаси аъзолигига қабул қилиниши, ЮНВТОнинг 19 сессияси, Кенджу;
- *2011 йил 2-4 ноябр* дунёнинг 36 мамлакатидан 550 туристик корхоналари иштрок этган «Буюк Ипак Йўлида туризм-2011» мавзусида Халқаро туристик ярмарка ташкил қилинди, Тошкент;
- *2011 йил*– Вазирлар Маҳкамаси томонидан «2011-2016 йилларда туристик хизматларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва туризмни ривожлантириш бўйича манзилли чора-тадбирлар Дастури» қабул қилинди.

1-БОБ. МИЛЛИЙ ТУРИЗМ ИНФРАСТРУКТУРАСИНИ КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

§ 1.1. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш шарт-шароитлари

Хоразм вилоятида туризм соҳаси республикада энг ривожланган вилоятлардан биридир. Ушбу вилоятда туризмни ривожланиши ўзига хос жиҳатларга эга бўлиб, соҳани янада ривожлантириш учун етарлича имконият ва салоҳиятларга эга.

Вилоятда 255 маданий мерос объектлари давлат рўйхатига олинган бўлиб, шундан 18 таси археология, 133 таси архитектура, 66 таси ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, 32 таси муқаддас кадамжолардир.

Улардан 53 та маданий мерос объектлари Хива «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси ҳудудида жойлашган. Қолган объектлар вилоятнинг турли туманларида жойлашган. Бу эса вилоятда туризмни ривожлантириш потенциали, унинг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда вилоятда жойлашган айрим туристик объектлар таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Баъзи объектлар туристик йўналишлар дастурига киритилмаган. Таъмирталаб аҳволдаги объектларни таъмirdан чиқариб, туристик йўналишлар дастурига киритилса вилоятга туристлар оқими кўпайтириш имконияти юзага келади. Бу билан қўшимча валюта тушимига эришилади, маҳаллий аҳоли вакилларининг иш билан таъминланиш имконияти юзага келади.

Хоразм вилоятида жами 34 та гид-таржимон сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Шундан 6 таси олий даражали, 9 таси биринчи даражали ва 19 таси иккинчи даражали ҳамроҳ таржимонлардир. Вилоятда жойлашган объектлар ва музейларда экскурсия олиб бориш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз гид-таржимонларнинг экскурсия ўтказишга рухсат берилмайди. Гид-таржимонлар ва экскурсоводлар учун сертификатлар «Ўзбектуризм» МК Республика туризм ва экскурсия хизмати Консалтинг

Маркази томонидан берилади. Малакали тажрибага ва сертификатга эга бўлган гид-таржимонлар 2 йилда бир марта 7-14 кунлик махсус курсларда малака оширади ва аттестациядан ўтказилади.

Жорий йилнинг 20 март куни қабул қилинган “Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги қарори Хоразм вилояти сайёҳлик салоҳиятидан фойдаланишни янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг ҳудуддаги ноёб тарихий-маданий ва меъморий ёдгорликлар билан кенг қамровда танишиши учун янада қулай шароит яратишга хизмат қилади. Хоразмда сайёҳликни ривожлантириш орқали 2015 йилгача туристик хизматлар ҳажмини 4,9 баробар, экспортни 3,8 баробар, сайёҳлар сонини эса 1,7 баробар ва меҳмонхоналардаги ўринларни 1,7 баробар ошириш кўзда тутилган. Дастур доирасида вилоятда умумий қиймати 86,76 миллион АҚШ долларига тенг икки юзга яқин лойиҳа амалга оширилади. Лойиҳалар маҳаллий корхоналар ва ташкилотлар, тижорат банклари, чет эл сармояси ва грант маблағлари эвазига молиялаштирилади.

Сайёҳлик соҳасини ривожлантириш дастури туризм инфратузилмасини ривожлантириш, сайёҳлик иншоотларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш, ҳудуддаги туристик маршрутлар ва хизматларни такомиллаштириш, сайёҳликнинг янги йўналишларини, маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқишни қамраб олгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Дастур доирасида Хива шаҳрини ривожлантиришнинг бош режаси қабул қилинади. Шаҳардаги барча маданий ёдгорликлар ва сайёҳлик иншоотларида кўрсаткичлар ва ягона намунадаги ахборот стендлари ўрнатилади. Дастур асосида, шунингдек, сайёҳлар учун мўлжалланган транспорт воситаларини харид қилиш, улар учун парк ва техник хизмат кўрсатиш бўлими ташкил этиш режалаштирилган. Тошкент, Самарқанд ва Бухородан Урганчга қатнайдиغان поездларнинг ҳаракатланиш даврийлигини ҳафтасига уч маротабагача ошириш кўзда тутилмоқда. Хусусан, яқинда

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси томонидан Тошкент-Самарқанд-Қарши-Бухоро-Урганч йўналиши бўйича ҳаракатланадиган янги “Афсона” махсус саёҳат поезда катнови йўлга қўйилди. Маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг Хоразм воҳасига саёҳати учун мўлжалланган мазкур поезд катнови вилоят сайёҳлик салоҳиятини янада юксалтиришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Дастурда Бухоро-Урганч, Париж-Урганч, Милан-Урганч ва Франкфурт-Урганч йўналишида авиакатновларни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси томонидан сайёҳлик мавсумида Урганчдан Фарғона, Термиз, Қарши, Самарқанд каби шаҳарларга парвозларни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Компания, шунингдек, 2014 йилда Урганч орқали Жанубий-Шарқий Осиё, Европа Иттифоқи, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари ва Россия шаҳарларига қатнайдиغان халқаро авиарейсларни ташкил этади.

Хоразм вилоятида янги меҳмонхоналар барпо этиш ва мавжудларини реконструкция қилиш борасида ҳам катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Дастурга мувофиқ, 2013-2015 йиллар давомида вилоятдаги тарихий-маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш ишлари бажарилади. Ҳозир янги сайёҳлик йўналишларини ташкил этиш борасида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Тарихчилар ва археолог олимлар ҳамкорлигида янги – “Антик Хоразм” сайёҳлик йўналиши ҳамда шунга боғлиқ хизматлар “*пакети*” ишлаб чиқилди. “Хоразмнинг олтин халқаси” деб номланган мазкур йўналиш Ҳазорасп қалъаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли ва Эллиққалъа туманларидаги ўнлаб кўҳна қалъа ёдгорликларини ўз ичига олади.

Урганч туманининг Ғойбу қишлоғида “Улли ҳовли туризм” сайёҳлик маркази очилди. Келгусида кўп йиллик тарихга эга бўлган “Кат қалъа”, “Калъажик” каби қадимий қалъаларни сайёҳлик йўналишларига киритиш, шунингдек, Амударё бўйларида экотуризмни ривожлантириш борасида истиқболли режаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Вилоятда,

шунингдек, сайёҳлик бўйича реклама марказини ташкил қилиш, Хоразмнинг туризм имкониятлари тўғрисида маълумот берувчи веб-сайт яратиш, буклетлар нашр этиш, миллий урф-одатлар, қадрият ва анъаналар, фольклор ва этнография, хунармандчилик ҳамда ноёб тарихий ва меъморий обидалар тўғрисида хорижий тилларда фильмлар яратиш каби турли чора тадбирлар назарда тутилган.

Вилоятда туризмни қарори ижросини таъминлаш, воҳа сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида турли кўргазмалар, семинар ва анжуманлар ташкил этилади. Хусусан, жорий йилнинг июнь ойида Хива шаҳрида “Workshop – 2013” минтақавий сайёҳлик форуми ташкил этилади. Илк минтақавий форум ҳисобланган “Workshop – 2013” сайёҳлик мавсумидаги энг муҳим анжуманлардан бирига айланадиган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳасида фаолият юритаётган кўплаб етакчи фирма ва компаниялар, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари вакиллари, мутахассислар ва экспертлар иштирок этади ва минтақавий сайёҳликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилади. Жумладан, хорижий сайёҳларни жалб этиш усуллариини такомиллаштириш, ички туризмни ривожлантириш, сайёҳлик хизматлари сифатини янада ошириш каби масалалар кўриб чиқилади.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Хоразм воҳаси азалдан ўз кўрки, салобати ва бетакрорлиги билан барчани ҳайратлантириб келган. Бу заминнинг дурдона обидалари, осори-атиқалари, тарихий қадамжолари ва ўзига хос гўзал анъаналари, жаҳондаги қадимий цивилизация ўчоқлари билан тенгма-тенг беллаша оладиган кўҳна маданияти сайёҳликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар яратиши шубҳасиз.

§1.2. Туризмда кластер ёндашуви

Туризм тармоғида кластер усули бир қатор давлатларда қўлланилиб келинмоқда. Туризм соҳасида кластерни янги йўналиш эканлиги бу соҳада кўпгина ташкилий, илмий тадқиқотларни амалга оширишни тақоза этмоқда.

Туризмда кластерлашдан қўйидаги учта мақсад кўзланади:

- туристик кластерни туризм соҳасини ривожлантириш концепти сифатида мақсадида қўллаш (эндоген жихати);
- туристик кластерни йирик ҳудудларнинг хўжалик ва социал муаммоларини ҳал этиш мақсадида қўллаш (экзоген жихати);
- туристик кластерни илмий таҳлил ва педагогик синтез ўтказиш мақсадида қўллаш (семантик-дидактик жихатлари).

Туризмда кластернинг тараққиёти дестинация константасининг роли ошиб бориши билан боғлиқ. Туризмнинг илмий адабиётларида кластер этноними бир қатор эволюцион ўсишни кўзатиш мумкин: 1962 йилдан бошлаб кластер - туристик марказ; 1968 йилдан бошлаб - рекреацион ҳудуд; 1975 йилдан бошлаб - рекреацион тизим; 1985 йилдан – курорт; 1995 йилдан –туристик дестинация; 2005 йилдан буён эса, туристик кластер каби босқичларни босиб ўтди.

«Кластер - бу муайян хоссаларга эга бўлган алоҳида мустакил ҳисобланган бир жинсли элементларнинг ягона тизимга бириктирилиши»²⁴.


Кластерли таҳлил кўпгина фанларда масалан, математика, география, физика, химия, иқтисодиёт, социология, астрономия, статистика, информатика каби фанларда мунтазам қўлланилиб келинади. Туристик-рекреацион кластерда туризмнинг таркибий бўғинларини дифференциацияси сифатида қараш ўринлидир. Булар икки типли бўлади: биринчи тип-франчайзингли муносабатдаги туристик занжир (бир типдаги отеллар кластери Шератон, Бест Вестерн, Мариотт, Интерконтенталь; ресторанлар занжири масалан Макдоналдс, Максим, Пицца-хат ва бошқалар; транспорт тизимлари занжири Аэрофлот, Люфтганза ва бошқалар) бўлса, иккинчи тип - кластер

²⁴ <http://ru.wikipedia.org/>

дестинацияга яъни, туристик пакетни шакллантирувчи ҳудудга асосланади. Кластернинг иккала ҳолатида ҳам фирма ва ташкилотлар қўшимча қиймат занжири кўринишида умумий қийматнинг шаклланишида иштирок этади. Рақобатда устунликка интилиш давомида иштирокчиларнинг қиймат жамғариш тизимидаги барча қўшимча қиймат занжири кластер таъсирида оптималлашиб (*Value system-M.Портер*) боради.

Туристтик кластернинг муҳим аломати кооперация ва рақобатнинг уйғунлигидир. Туристтик корхоналарнинг кластерга бирикиши уларга катта манфаат келтиради. Рақобат муносабатлари унинг таркибига кирувчи фирмалар ва шунингдек, бошқа ташки кластерлар фирмаларига нисбатан шаклланади. Хар бир кластер ўзига хос иқтисодий муҳит таъсирида бўлади ва унинг рақобатбардошлиги турли даражада шаклланади. Қўйида кластерлар рақобатбардошлиги «ромб» шаклда тасвирланган (2-расмга қаранг).

Бугунги кунда туризмда кластерни қўллаш уни дестинация константасининг концепти сифатида ёндошуви асосий ўрин тутди. Дестинация термини туризм луғатида «*destination-белгиланган жой*» деган маънони англатади.




1.3.1- расм. Кластер объектлари ўртасидаги ўзаро боғланиш алоқалари

Дестинация иборасини биринчи марта туристик марказ сифатида Томас Кук қўллаган (1840й). Дунёда биринчи дестинация маркази сифатида Англиянинг Ламфборо шаҳри тан олинади.


XX-асрда дестинация Бутунжаҳон туристик ташкилотининг расмий иборасига айланди. Унга кура, «дестинация-меҳмоннинг жисмонан камида бир кечалик ташриф қилган маконда утказган вақти» тушунилади. Яъни, дестинация бир суткалик саёҳат давомида истеъмол қилинадиган ҳордиқ, кунгил очар томошалар, тунаш каби хизматлардан таркиб топган турмахсулот сингари назарда тутилади. «Макон» ўз ўрнида бозор рақобатбардошлигини белгилаб берувчи жисмоний ва маъмурий принциплари UN WTC БМТнинг Рим конференциясида эътироф этилган (1969 йил) Кластернинг дестинация константаси элементлари қўйидаги аргументлар орқали ифодаланади: табиий (моддий) кенглик; ташриф буюрувчи; ташриф буюрувчи; тунаш; бозор; рақобатбардошлик; таъсурот олиш; образ; манзил қулайлиги; туристик ресурслар; аттракция; туристик хизмат; туристик махсулот.

Ҳар бир аргумент дестинация тушунчасини чуқурлаштирган ҳолда маданий константа даражасига олиб чиқади. Дестинация константасидан ташқари, кластерда шаҳар, ландшафт, музей, транспорт, этнос, СBT (яъни, *Community Based Tour*) каби аксиологик константалар ҳам мавжуд.



1.3.2-расм. Туристик дестинациянинг аксиологик ташкил этувчилари

Туристик марказ (дестинация) қўйидаги уч факторли гуруҳлар доирасида шаклланади:



1.3.3-расм. Туристик марказ (дестинация)нинг шаклланиши

Дестинация тушунчаси туристик-рекреацион марказ тушунчаси билан ўзвий боғлиқ ва синоним сифатида амалиётда қўлланилади. Туристик марказ-ўзига хос туристик-рекреацион ресурслардан иборат туристларни жалб қила оладиган инфраструктуравий қулай жойдир.


Туристик–рекреацион дестинациянинг (кластернинг) моҳиятини ўрганиш учун туризмнинг функцияларини, жамиятдаги ижтимоий–иқтисодий ролини ўрганиш зарур. Демак, туризм соҳасининг функциялари туризмнинг классик «туризм + жойлаштириш + кўнгил очиш» базавий учлиги ижтимоий–иқтисодий соҳа вазифаларининг қарийб ҳаммасини ўз ичига олади. Бундан эса, «туризм турли хил, ўзаро боғлиқ ва бир–бирини тақозо этадиган кичик тизимлардан иборат мураккаб ижтимоий–иқтисодий тизим»²⁵ эканлиги аниқ бўлади.

Кластернинг статистика концептида ***“туризм” деганда аҳоли миграциясининг яшаш ва иш жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлмаган “кўчишнинг” бир тури тушунилади.*** Туризмнинг ривожланиши ва оммавий ходисага айлана бориши билан саёҳат қилаётган одамларни статистик ҳисобга олиш мақсадида «туризм» тушунчасига берилган дастлабки таърифлар пайдо бўлди.

Қуйидагилар туристик марказ ҳисобланиши мумкин (туристик марказ дестинацияси шакллари): шаҳар; аҳоли пунктлари; хизмат кўрсатиш махсус объектлар; дарё, денгиз, кўллар; маъмурий бирлик; табиат манзаралари; миллий парклар, кўриқхоналар; тоғли массив, ноёб ландшафт.

Давлатлар томонидан туризм учун махсус белгиланадиган божхона, солиқ ва бошқа имтиёзли режимлар қаторига кирадиган ва туризмга тегишли бўлган фаолият турларини аниқлаб олишга асос бўладиган мақсадлар кластернинг энг муҳим категорияси ҳисобланади. Туризм дестинациясининг (кластерининг) асосий мақсад ва кўринишлари - хордиқ чиқариш, туристнинг завқ ва янги таассуротлар олиши ҳамда соғломлаштирувчи ва даволовчи, профессионал-бизнес, меҳмондорчилик ва бошқа аргументларидан ташкил топади. Бозор иқтисодиёти тизимида туристик кластер цикллари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик қўйидаги тасвирда акс эттирилган (13.4-расм).

²⁵ Карпова Г.А., Быков А.Т., Воронцова М.Г. и др. Сфера туризма: этапы развития, экономика и управление. Учебное пособие. - М.: Пресс-сервис. 1998. – 437 с.



1.3.4.-расм. Бозор иқтисодиёти ва туристик кластер цикллари

Туризм кластерининг асосида икки субтизим ётади: туризм субъекти ва туризм объекти. Туризм субъекти сифатида ўзига хос бўлган туристик хизматлардан фойдаланиб ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятларини изловчи тадбир қатнашчиси, яъни турист тушунилади. Таклиф этиладиган хизматлар эса туризм объекти сифатида намоён бўлади. Саёҳат мақсади бўлиши мумкин бўлган ҳамма нарса туризм объекти сифатида тушунилади. Туризм объекти (туризм соҳаси) уч асосий компонентдан иборат: туристик минтақа ёки дестинация (манзил), туристик ташкилот ва туристик корхона.

Туристлар учун истеъмол объекти саёҳатдан иборат. У мазкур давр мобайнида эҳтиёжларни қондириши мумкин бўлган **махсулотлар ва хизматларнинг фойдалилиги (истеъмол самараси)** билан белгиланади. Айнан шу фойдалилик саёҳат қилувчиларнинг ўзига хос эҳтиёжларининг қондирилиш даражасидан иборат.

Булар қуйидагилар: одатдагидан фарқ қилувчи шароитларда тунаш; туристик фаровонликларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш, амалга

ошириладиган географик муҳит; фойдаланиладиган меҳнат воситалари (меҳмонхона ва тарихий-маданий марказлар, транспорт ва ҳ.к.).

Туристларнинг саёҳат ва доимий яшаш жойидан ташқарида бўлишлари вақтида уларга маҳсулотлар ва хизматларни харид қилишда турли қулайликларни таъминловчи барча фаолиятларнинг йиғиндиси **туристик хизматлар** деб аталади.

Туристик хизмат бир вақтнинг ўзида **комплекс** ва **махсус** хусусиятга эга: биринчиси – саёҳатдаги туристнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондиришни назарда тутаяди, бунда дестинацион марказнинг қўшимча хизмат кўрсатишга ихтисослашган турли хил социал, маданий ва сервис бўғинлари (СВТлар) иштирок этадилар; иккинчиси эса – ўтроқ яшаш пайтидаги хизмат кўрсатишдан умуман фарқ қиладиган ташкиллаштириш ва таркибий тўзилишни (жойлаштириш, ресторан хужаликлари иштирок этиши) назарда тутаяди.

Таклиф этиладиган туристик хизматлар, ҳудудлар бўйлаб дестинацион кластерларга тақсимланади. Улардан баъзилари (ахборот берувчи, воситачилик ва ҳ.к.)ни туристлар яшаш жойларидан оладилар, бошқалари (транспорт, ахборот ва бошқ.)ни – саёҳат пайтида, қолганлари (овқатланиш, тунаш, кўнгил очиш, даволаниш ва ҳ.к.ларни) белгиланган туристик жойда оладилар. Олди-сотди ва хизматлар тақдим этиш жараёнларининг вақт ва жой бўйича мос келмаслиги маълум ташкилий қийинчиликлар тўғдиради.

Туристик кластер инфраструктурасини таъминловчи моддий-техника базасини яратиш ва қўллаб-қувватлаш туристик хизматлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштиради, кластер рақобатбардошлигининг ошишига кўмак беради



1.3.5-расм. Кластер ёрдамида туристик-рекреацион ҳудуднинг брендини барпо этиш ва силжитиш


Туристлик-рекреацион дестинация марказларнинг кластер сифатида ташкил этишда унинг инфраструктуравий тўзилмаларини қуйидаги гуруҳлар бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

- туристларни жойлаштириш (меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар, пансионатлар, туристик базалар, хусусий сектор хонадонлари, палаткалар, кемалар, поездлар, яхталар ва ш.к.);
- озиқ-овқат билан таъминлаш (ресторанлар, кафелар, ошхоналар ва ҳ.к.);
- бориладиган мамлакат бўйлаб ҳаракатланиш, бошқа мамлакатларнинг ҳудуди бўйлаб транзит ўтиш;
- реклама ва маҳсулотини ўтказиш (фирмаларнинг турмаршрутларни ишлаб чиқиш, транспортда, жойлашиш воситаларида ўрин бронлаштириб қўйиш бўйича хизматлари);
- экскурсиялар ўтказиш (таржимонлар, экскурсоводларнинг хизматлари);
- туристларнинг ишбилармонлик ва илмий қизиқишларини қондириш (конгресслар, ассамблеялар, илмий конференциялар, симпозиумлар, ярмаркалар, кўргазмалар, ҳам умумий, ҳам махсус мақсадларда ўтказиладиган савдо-сотиқ тадбирларида иштирок этиш);

- маданий эҳтиёжларни қондириш (театрлар, кинотеатрлар, музейлар, кўргазмалар, расмлар галереялари, парклар, табиий ва тарихий қўриқхоналар, спорт мусобақалари, тарих ва маданият ёдгорликларини бориб кўриш ва ҳ.к.);
- маъмурий-ҳуқуқий талаблар ва расмийчиликларни назорат қилиш (чегара, божхона, карантин, валюта, милиция хизматлари), шунингдек ҳужжатларни расмийлаштириш (визалар, паспортларни ва ҳ.к.);
- туристлар учун турли хил ахборотларни бериш (ер шари у ёки бу минтақасининг туристик ресурслари, у ердаги жойлашиш воситалари, божхона ва чегара расмийчиликлари, бориладиган мамлакат валютасининг курси, маршрутлар ва ҳ.к.);
- ахборот воситалари (газеталар, журналлар, китоб нашрлари);
- табиатни, тарихий ва маданий меросни қўриқлаш хизматлари;
- умумий ва махсус савдо хизматлари (эсдаликлар, совғалар, миллий ҳунармандлар маҳсулотларини ва ҳ.к.ларни сотиш);
- суғурта ва тиббий хизмат кўрсатиш;
- давлат ва жамоат туристик органлари, хорижий юридик шахслар ва фирмаларнинг хизматлари.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, туризм дестинацияси концепти доирасида кластерлаш туризм ва меҳмонхона бизнесининг ривожланишида муҳим ўрин тутгани боис, туристик дестинация таркибига кирувчи барча тўзилмаларни пропорционал тарзда ривожлантириб бориш дестинация марказларининг рақобатбардошлигининг ошишида катта аҳамиятга эга.

Туристтик кластернинг амалда мавжуд бўлиши, унинг кўп қирралилигини исботловчи кўпсонли таърифлари ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлаши мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз туристик бизнеси фаолиятида кластерлаш унинг стратегик таҳлили ва рақобатбардошлигини ўрганиш учун назарий-методик ёндашувларни яратиш зарурияти долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.



Тадқиқот жараёнида вилоятдаги туристик корхоналарни иккита йирик кластерини шакллантириш орқали эришиш имконияти таклиф этилди: бу Ургенч Туристик кластери ва Хива туристик кластери.

Хива туристик кластерига шаҳардаги мавжуд 53 та маданий мерос объектлари, фаолият юритиётган туристик корхоналарни жалб этиш мақсадга мувофиқ. Ушбу кластерни ташкил этиш орқали Хива шаҳридаги мавжуд туристик корхоналарнинг самарадорлигини ошириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, шу орқали минтақада ўзига хос туристик салоҳиятни вужудга келтиришимиз мумкин. Бугунги кунда Хоразм вилоятининг туристик брендини асосан Хива шаҳри эгаллайди шу муносабат билан вилоятнинг туристик бренди ҳам шу шаҳар номи билан боғлиқ.

Қуйида Хорзм вилоятининг туристик бренди келтирилган.



1.Керамика хорезм



Khorezm

2.Как буква "X" и "K"

§ 1.3. Хоразм вилоятида миллий туризмни ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурлар мазмуни

Бугунги кунда мамлакатимизда беш юздан зиёд меҳмонхона, сайёҳлик базаси ва кемпинглар, уч юздан ортиқ сайёҳлик компанияси фаолият юритмокда. Сайёҳларга хизмат кўрсатиш 2012 йилдагига нисбатан 16 фоиз, хизматлар экспорти эса 20 фоиз ўсган²⁶.

"Ўзбектуризм" миллий компаниясининг маълумотларига кўра, "Euronews" телеканалининг махсус мухбирлари томонидан тайёрланган "Очиқ осмон остидаги музей" сифатида эътироф этилган қадимий Хива шаҳридаги Ичан қалъа ва Дишан қалъадаги тарихий ёдгорликлар, музейлар, Хиванинг тарихий мероси, сайёҳлик салоҳияти, воҳанинг меҳмондўст одамлари, урф-одат ҳамда анъаналари ҳақидаги сюжетлар намоиш қилинмокда. Мазкур телевизион лойиҳада Хивадаги Ичан қалъа мажмуи ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси дурдоналари рўйхатига киритилгани алоҳида таъкидланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 20 мартда қабул қилинган "2013 — 2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига кўра, вилоятда туризмни ривожлантириш учун икки юзга яқин лойиҳа амалга оширилади, ўттизга яқин меҳмонхона барпо этилади. Ҳудудда туризм инфратузилмасини, хусусан, Урганч ва Хива шаҳарларида ихчам меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, сайёҳларга замонавий хизмат кўрсатадиган иншоотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмокда. Сўнгги ўн йилда меҳмонхоналар сони қарийб тўрт баробар кўпайди. "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури"га асосан воҳада 204 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. 2013 йилда 100 дан ортиқ ана шундай лойиҳаларни амалга ошириш учун 61,4 миллиард сўм маблағ сарфланган.

²⁶ <http://mt.uz/uz/press-service/news/798-news.html>— ЎзМТДП сайти

Ҳозирги кунда вилоятда 29 меҳмонхона фаолият кўрсатмоқда. Дастурда кўзда тутилган вазифалар ижросига кўра, 2015 йилда вилоятдаги меҳмонхоналар сони 57 тага етиши режалаштирилган.

Обод турмуш йилида вилоят қўғирчоқ театри, Нурлабой, Боғи шамол мажмуалари, Ўлкашунослик музейи, Отажон Тўра мадрасаси, Чодира ҳовли, Музхона каби ўнга яқин маданий мерос объектлари таъмирланган. Маҳаллий тадбиркорлар томонидан фойдаланилмаётган бинолар негизида 200 ўринли меҳмонхона ташкил этиш ишлари давом этаётир.

Хива туманидаги Боғи шамол, Эшон Равот объектларида қурилиш ишлари якунланган. Қалажиқ қалъа, Хива-Қоракўл ва Улли ҳовли ҳудудларидаги ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Айни пайтда вилоятдаги барча маданий мерос объектларининг ягона реестери яратилиб, объектларнинг жорий ҳолати акс эттирилган паспортлар тузилган. Маъмун академияси билан ҳамкорликда ҳар бир объектнинг маданий-тарихий аҳамияти бўйича ахборот-маълумот базаси шакллантирилган.

Хусусан, 2015 йилга бориб туристик хизматлар кўрсатиш 2012 йилга нисбатан 4,9 баробар ўсиши кўзда тутилмоқда, туризм хизматларининг экспорти 3,8 баробар, туристлар сони 1,7 баробар, меҳмонхоналар сони 1,8 баробар ўсиши кўзда тутилган. Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастурига мувофиқ туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туристик маршрутларни ҳамда хизматларини такомиллаштириш, туристик потенциални тақдимот қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш, туристлар учун инфратузилмани янада яхшилаш, туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш каби вазифалар белгиланган.

Ушбу Дастурга мувофиқ Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида жойлашган “Ҳазорасп қалъаси” негизида туристик комплексни ташкил этиш, жумладан, 600 кишига мўлжалланган очик амфитеатр, қалъа атрофида йўловчилар учун йўлак ташкил этиш, шарқ бозори ва ҳунармандлар растасини таъмирлаш, ёнидаги кўлни ободонлаштириш, қадимий “Ҳазорасп

қалъаси” музейини ташкил этиш, унда археологик топилмалар, қадимий расм ва ашёларни намоиш этиш ҳамда қалъага боровчи автойўлни жорий таъмирлаш кўзда тутилган. Бундан ташқари Хоразм вилоятида 2013-2015 йилларда тарихий-маданий объектларни реставрация қилиш ва аҳволини яхшилаш бўйича тасдиқланган манзилли Дастурда “Ҳазорасп қалъаси” деворларини тиклаш ҳам кўзда тутилган.

Умуман олганда, Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишда Давлат бюджети, ташкилот ва муассасалар маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, чет эл инвестициялари, грант маблағлари ва Республика йўл жамғармаси маблағлари кўзда тутилган.

Хоразм вилоятини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Президентимиз қарорлари ҳамда ана шу асосда амалга оширилаётган ишлар аҳоли томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Ушбу ишларда улар фаол иштирок этмоқдалар. Хусусан, вилоятнинг ҳар бир туманида дам олиш кунлари шаҳарларни ободонлаштириш учун ҳашарлар уюштирилмоқда, кам таъминланган одамларга моддий ва маънавий ёрдам бериш бўйича хайрия ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳудудий партия ташкилотлари ўз дастури, ғоя ва мақсадларига уйғун ҳамда ҳамоҳанг бўлган ана шундай кенг қўламли ва хайрли ишларнинг амалга оширилишида яқин кўмакдош бўлмоқда. Аввал хабар қилганимиздек, ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Хоразм вилояти Кенгаши ташаббуси билан Хоразм Маъмун Академияси, Урганч Давлат университети ҳамкорлигида “Антик давр цивилизацияси тараққиётида Хоразмнинг ўрни” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Унда белгиланган мавзу учта шўъба доирасида муҳокама этилди.

Жумладан, учинчи шўъбада “Ҳазорасп — Буюк Ипак йўлидаги қадимий маданият маркази” мавзусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят Кенгаши аъзолари, республикамизнинг таниқли тарихшунос олимлари, археологлари маърузалари тингланди, Ҳазорасп

калъасига экскурсия уюштирилди. Анжуманда миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизни тиклаш, ёш авлод онгига уларни чуқур сингдириш, тарихий обидаларимизни тиклаш, тарихини ўрганиш тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш каби вазифалар долзарблиги таъкидлаб ўтилди. Партия сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни буюк ва бетакрор меросимиз билан кенгроқ таништириш, уларни аجدодларимиз анъаналарини давом эттиришга жалб қилиш каби тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бериши айтиб ўтилди.

Анжуманда Президентимизнинг: “Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айна Хоразм воҳасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Эрон каби энг қадимий давлатлар билан бир қаторда туради”, деган эътирофлари бот-бот тилга олинди. Шунингдек, тадбирда Хоразмнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Ҳазорасп қалъаси (“Сулаймон қалъа”) тарихи, Буюк Ипак йўлида жойлашган ушбу шаҳарнинг Хоразм давлатчилиги тараққиётида тутган ўрни ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ташаббуси билан “Сулаймон қалъа” Дирекцияси ҳамда Ҳазорасп музейини ташкил қилиш масалалари бўйича амалий ишларни олиб бориш тўғрисида келишиб олинди.

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП Хоразм вилояти Кенгаши томонидан “Антик давр цивилизацияси тараққиётида Хоразмнинг ўрни” деб номланган анжуман материаллари китоб ҳолатида чоп қилинди.

ЎзМТДП фракцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири эшитувида Ҳукумат олдида тарихий обидаларимизни тиклаш, туризм соҳасини ривожлантириш, миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ички бозорни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш каби масалалар қўйилган эди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партиянинг Хоразм вилояти Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Республика “Хунарманд” уюшмаси ва Хива туман ҳокимияти ҳамкорлигида “Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий хунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти” мавзусида амалий семинар ўтказилди. Тадбирнинг асосий мақсади Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, хусусан, партия электорати бўлмиш хунармандларни қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, уларга қўшимча шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш, банк имтиёзли кредитларининг ажратилишида кўмак бериш, хотин-қизлар бандлиги ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳамда уларни тижорат банклари хизмат турлари, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан мунтазам таништириб боришдан иборат. Ушбу тадбирда 250 нафардан зиёд киши иштирок этиб, 20 нафар хунарманд ва тадбиркорга 573 млн.сўмлик имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар топширилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан 2013 йил 26 февраль куни «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси «Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишининг бориши тўғрисида»ги ахбороти бўйича парламент эшитуви ташкил этилди ва натижаси бўйича миллий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан бири ҳамда Ўзбекистон халқининг ноёб маънавий бойлиги ва тарихий меросини тарғиб қилишнинг, фуқароларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг, халқаро майдонда мамлакатимиз мавқеини янада юксалтиришнинг самарали воситаси сифатида республикамізда туризмни ривожлантиришга қаратилган дастурлар бундан буён ҳам амалга оширилишини, қонун ҳужжатларининг

талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилинди.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда Ҳазорасп қалъасини асраб-авайлаш ва ён-атрофини ободонлаштириш каби вазифаларни амалга оширмоқдалар. Белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши аجدодларимиздан қолган бу тарихий мероснинг истикболда кейинги авлодларимизга ҳам эсон-омон етиб боришини таъминлайди.

Вилоятда миллий туризмни ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб ушбу режа қуйидагиларни ўз ичига олади:

Амалга ошириладиган тадбирлар мазмуни	Тадбирларнинг қисқача баёни
Туристларга янги сайёҳлик йўналишлари тақдим қилиш мақсадида:	Хива тумани “Чодира боғ”, “Боғи шамол”, “Хива қоракўл” фермерлик хўжалигида, “Эшон Равот” кўлида; Боғот тумани “Қалажиқ қалъа”да; Урганч туманидаги “Улли ҳовли” объектларида янги сайёҳлик инфратузилмаларини ташкил этиш борасида ишлар олиб бориш
Сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш.	Туризм инфратузилмасини меҳмонхона, ресторан ва бошқа сайёҳлик объектларини қуриш ва реконструкция қилишга доир объектлар лойиҳа эскизлари ишлаб чиқиш, уларнинг ташқи қиёфаси бўйича “Давархитектқурилиш” қўмитасининг ҳулосалари олиш
Сайёҳларни ҳордик чиқариш индустриясини ривожлантириш борасида	“Достон фольклор”, “Хива фольклор” “Сайқал” каби ансамбллари каби бадиий жамоаларнинг хорижий сайёҳларга ўз концерт дастурларини намойиши қилишни ташкил қилиш, “Ичан-Қалъа”да сайёҳларга Ўзбек миллий кино дурдоналари намойишини ташкил қилиш мақсадида, “Тоҳир ва Зухра”, “Насриддиннинг саргузаштлари”, “Алишер Навоий”, “Ўтган кунлар” каби ўзбек миллий кино дурдоналари инглиз тилида субтитрларда, “Тош ҳовли” мажмуасида “Хон қабулида” номли театрлаштирилган сахна томошалари сайёҳларга намойиши ташкил қилиш

Сувенирлар ишлаб чиқариш индустриясини ривожлантириш соҳасида	Хоразм гиламлари” каталогини чоп қилиш, вилоятнинг брендига доир рамзи туширилган футболкалар ишлаб чиқариш ва савдога қўйиш. сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Хитой ва Венгрия давлатларидан янги технологик асбоб уқуналар сотиб олиш борасида изланишлар олиб бормиш
Туристик имкониятларни намоёниш қилиш борасида Хоразм вилоятининг	Халқаро сайёҳлик ярмакаларида иштирок этиш, Хоразмнинг маданияти, санъати, анъаналари, миллий либослари ва ўзига хос таомлари мужассамлашган қисқа метражли видеофильмларни суратга олиш
Туризм соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш	“Ўзбектуризм” МКСи қошидаги ўқув илмий ишлаб чиқариш марказининг вилоят филиалида ёшларни таржимонлик курсларини битказиб махсус сертификатлар бериш
Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш	туристик тоифадаги автобуслар сотиб олиш юзасидан таклифларни умумлаштириш
Хива туманида “Гоук-кўл” бўйида туристик мажмуа яратиш бўйича ишларни амалга ошириш <i>(бажариш муддати 2014 йил сентябрь)</i> , шу жумладан:	Мухандислик коммуникациялари қурилиши (электр-таъминот, сув-таъминоти, газ-таъминоти ва бошқалар); кўл бўйини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш; аква парк ва кўнгилочар боғ ташкил қилиш, замонавий аттракционлар ва кўнгилочар объектлар ўрнатиш; меҳмонхона ва умумий овқатланиш шохобчаси ҳамда савдо майдончаси ва бошқаларни ташкил қилиш белгиланган.
Хазорасп туманидаги “Хазорасп қалъа” негизида туристик мажмуа ташкил қилиш ишларини амалга ошириш <i>(бажариш муддати 2014 йил декабрь)</i> , жумладан:	қалъанинг ташқи девори ёнида 600 ўринли очик амфитеатр ва комплекс атрофида пиёда маршрут ишлаб чиқиш; Шарқ бозорини қуриш ва магазинлар, овқатланиш тармоқлари, ҳунармандлар дўконлари ташкил қилиш; Қалъа ёнидан оқиб ўтувчи канал ва мавжуд кўлни ободонлаштириш

2-БОБ. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ТУРИСТИК ОБЪЕКТЛАР ҲОЛАТИ ВА ИМКОНияТЛАРИНИНГ МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ

§ 2.1. Хоразм вилояти туристик - рекреацион кластер объектларининг ҳолати

Ҳозирги кунда Хоразм вилояти бўйича архитектура, археологик ва меъмориал экскурсия объектлари сони 209 тани ташкил этгани ҳолда, шундан 53 та маданий мерос объектлари Хива «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси ҳудудида жойлашган. Қолган объектлар вилоятнинг турли туманларида жойлашган. Бу эса вилоятда туризмни ривожлантириш потенциали, унинг имкониятлари кенглигидан далолат беради. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда вилоятда жойлашган айрим туристик объектлар таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Баъзи объектлар туристик йўналишлар дастурига киритилмаган. Таъмирталаб аҳволдаги объектларни таъмirdан чиқариб, туристик йўналишлар дастурига киритилса вилоятга туристлар оқими кўпайтириш имконияти юзага келади. Бу билан кўшимча валюта тушимига эришилади, маҳаллий аҳоли вакиллариининг иш билан таъминланиш имконияти юзага келади. Бунинг учун вилоятда туризмни ривожлантириш борасида ҳудудда жойлашган маданий мерос объектлар бўйича қуйидаги таклифлар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Мусо Тўра мадрасасини таъмирлаш

- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Анушахон хаммомини жорий таъмирлаш;

- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Оқ масчитни таъмирлаш;

- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Ота Мурод Қушбеги масчити (таъмирталаб даражада) таъмирлаш;

- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган “Тугони Турк” макбарасини таъмирлаш;

- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Амир Тўра мадрасасини таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Қутлуг Мурод Иноқ мадрасасини (таъмирталаб даражада) таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Юсуф Ясовул боши мадрасаси қониқарли ҳолатда бўлсада таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Полвон дарвозасини(таъмирталаб даражада) таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа»Давлат музей кўриқхонасида жойлашган Тош дарвозасини(таъмирталаб даражада) таъмирлаш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси да жойлашган Отожонбой мадрасаси таъмирталаб даражада;
- «Ичан-Калъа»Давлат музей кўриқхонаси ичкарасидаги атроф-муҳитни тозалаш, чиқиндиларни бартараф қилиш шароитларини яратиш;
- «Ичан-Калъа» Давлат музей кўриқхонаси ичкарасини кечки ёритиш ускуналари билан таъминлаш;
- «Ичан-Калъа»Давлат музей кўриқхонаси ҳудудида жойлашган хонадонлар эгалари томонидан уй атрофларини замонавий жиҳозлардан (Дераза, эшик ва ҳ.к.) фойдаланилиши;
- «Дишон-Калъа»ни асл ҳолатда сақлаб қолиш;
- Хива туманидаги Нуруллабой мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга санитария-гигиена жойларини янгидан ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Хон дорихонаси ва Хон касалхонаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Мамат Марам мадрасаси ва минораси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;
- Хива шаҳридаги Тўрт Шоввоз мажмуаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Шох Қаландар бобо мажмуаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Бикажон бика мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Саид Мухаммадхон мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Хоразмшоҳлар мадрасаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни зудлик билан таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива туманидаги Боғишамол-Оллоқулихон боғи таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни зудлик билан таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Хива туманидаги Ислон хўжа қароргоҳи таъмирталаб даражада, уни сайёҳлик йўналишига киритиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш;

- Хива туманидаги “Чодира” ҳовлитаъмирталаб даражада, уни сайёҳлик йўналишига киритиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турлари жорий этиш;

- Хива шаҳридаги Хазарасп дарвозаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлакларни таъмирлаш, қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш, автотранспорт воситалари учун

ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Хударган Девонов уйи таъмирталаб даражада, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Аваз Ўтар уй музейи таъмирталаб даражада, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Шохимардон мажмуаси таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлаклар ташкил этиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари яратиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Хива шаҳридаги Матвафо карвонбоши савдо уйи таъмирталаб даражада, шу билан бирга хавфсиз йўл ва йўлаклар ташкил этиш, қўшимча хизмат кўрсатиш турларини янгидан жорий этиш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари яратиш ҳамда санитария-гигиена жойларини (қониқарсиз) ташкил этиш;

- Урганч шаҳридаги Урганч суратлар галериясини сайёҳлик йўналишига киритиш, атрофини кўкаламзорлаштириш, бино пештоқини таъмирлаш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойлари ҳамда санитария-гигиена жойларини ташкил этиш;

- Урганч туманидаги “Олажа ҳовли”ни сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ жойларини тартибга келтириш;

- Хазарасп туманидаги “Хазарасп қалъа” деворини сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, автотранспорт воситалари учун ажратилган махсус тўхташ

жойларини тартибга келтириш, бино атрофларини маиший чиқиндилардан тозалаш;

- Янгиариқ туманидаги “Шайхмухторвали” зиёратгоҳини сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, жорий таъмирлаш;

- Боғот туманидаги “Қалъажик қалъа” (Довуд қалъа) сайёҳлик йўналишига киритиш, шу билан бирга мавсумий қўшимча хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш, санитария-гигиена жойларини ташкил этиш (ҳожатхона йўқ);

Шунингдек, миллий ва тарихий меросларимизни келажақ авлодга етказиш, уларнинг асл ҳолатини сақлаб қолиш, таъмирга муҳтож объектларларни қайтадан ўз ҳолатига келтириш мақсадида малакатимиз раҳбарлари томонидан бир қанча амалий ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамадан Хива шаҳрида жойлашган, тарихий аҳамиятга эга бўлган обидалардан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан:

- 1 асрдан кўпроқ тарихга эга бўлган Матниёз Девонбеги мадрасаси ичида “Ориент-Стар Хива” МЧЖга қарашли ресторан фаолиятини олиб бориши;

- 1851-1853 йилларда қурилган Муҳаммад Аминхон мадрасасидан меҳмонхона сифатида фойдаланиш;

- 1834-1835 йилларда қурилган Оллоқулихон мадрасасидан ресторан сифатида фойдаланиш;

- Хўжамбердибой мадрасаси ҳовли томони ёпилган ҳамда ундан ресторан сифатида фойдаланиш ҳолатларининг мавжудлиги ачинарли ҳолдир. Ушбу объектлардан фойдаланишда хорижий сармоядорларни жалб қилиб, тендер ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ушбу объектларнинг сан-узелларидан нотўғри фойдаланиш кечирилмас оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳозирги кунда Хоразм вилоятида жами 24 та гид-таржимон сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Шундан 2 таси олий даражали, 6 таси биринчи даражали ва 16 таси иккинчи даражали ҳамроҳ таржимонлардир. Вилоятда жойлашган объектлар ва музейлардаэкскурсия олиб бориш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз гид-таржимонларнинг экскурсия ўтказишга рухсат берилмайди. Гид-таржимонлар ва экскурсоводлар учун сертификатлар «Ўзбектуризм»МКси Республика туризм ва экскурсия хизмати Консалтинг Маркази томонидан берилади. Малакали тажрибага ва сертификатга эга бўлган гид-таржимонлар 2 йилда бир марта 7-14 кунлик махсус курсларда малака оширади ва аттестациядан ўтказилади.

Туристлик корхоналар томонидан ишлаб чиқилган сайёҳлик йўналишлари ва ҳамроҳ-таржимонлар, экскурсия олиб боровчилар учун туристик йўналишлар бўйича бериладиган маълумотлар «Ўзбектуризм» МКси Республика туризм ва экскурсия хизмати Консалтинг Маркази томонидан тайёрланади. Ҳозирги кунда ҳудудда туристларга хизмат кўрсатувчи ҳамроҳ-таржимонлар ва экскурсия олиб боровчилар учун ягона мавсумий либос (униформа) мавжуд эмас.

Ҳудудга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонлар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиладиган транспорт воситаси ҳайдовчиларини махсус тайёрлов курслари мавжуд эмас. Меҳмонхоналардаги махсус хизмат мутахассислари (меҳмонхона маъмури, официант, бармен, швейцар-дасёр, қават ва хоналар бекаси, фаррошлар) ишларининг сифати қониқарли даражада йўлга қўйилган. Шу билан бирга ҳудуддаэкскурсия жараёнини олиб бориш учун малакали кадрларни тайёрлашда қуйидаги таклифлар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўларди;

- ҳозирда Осиё мамлакатларидан келаётган туристларнинг кўплигини инобатга олган ҳолда Япон, Италия, Хитой, Корейс ва Испан тилларида экскурсия берадиган гид-таржимонларнинг етишмаслиги биров қийинчилик туғдирмоқда, шу сабабли ҳудуддаяна 20 та олий маълумотли гид-таржимонга эҳтиёж мавжуд;

- ҳудудда малакали гид-таржимонлар ва экскурсоводларни тайёрлашда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари Олий ўқув юртларидан малакалимутахассисларни жалб қилган ҳолда доимий 10-16 ойлик махсус курслар ташкил қилиш зарур;

-Хоразм вилоятидаги тарихий обидалар тўғрисидаги ахборотларни Хива «Маъмун» академияси ва Урганч Давлат Университети томонидан тайёрланиши мақсадга мувофиқ. Чунки вилоятда жойлашган объектлар ва обидалар бўйича маълумотлар мазкур олий ўқув юртларида етарли даражада мавжуд;

- гид-таржимонлар ва экскурсоводлар учун туристлар диққатини жалб қилиш мақсадида мавсумга қараб миллий ҳамда замонавий либосларни ўйғунлаштириб ягона униформа тайёрлаш мақсадга мувофиқ;

- ҳамроҳ-таржимонлар ва экскурсия олиб боровчиларни Ҳукумат даражасида ягона аккредитациядан ўтказиш масаласини ҳал этиш зарур;

-Ичон-қаълада жойлашган музейларда фаолият олиб борувчи ходимларнинг аксарияти 40 ёшдан ошганлар ташкил этади. Музейларда фаолият олиб борувчи ходимларни ёш ҳамда хорижий тилларни биладиган мутахассислар билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир;

- хуудда «Ўзбектуризм» МКси Хоразм минтақавий бўлими қошида ҳукумат делегациялари ва олий мартабали меҳмонларга экскурсия хизмати берадиган махсус гуруҳларни ташкил этиш лозим;

- ҳудудга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонлар ва сайёҳларга экскурсия хизматини кўрсатишда малакага эга бўлмаган ҳамроҳ-таржимон ва экскурсоводлар томонидан хизмат кўрсатилишига йўл қуймаслик учун Солиқ идораларини жалб қилган ҳолда жойларда мониторинг ўтказилиши ва аниқланган қонун бузилишлар тўғрисида тузилган далолатномаларни тегишли идораларга тақдим қилиш орқали чоралар кўриш лозим. Шуни инобатга олган ҳолда “Ўзбектуризм” МКси ҳамда Давлат Солиқ қўмитаси ҳамкорликда қўшма қарор қабул қилишса мақсадга мувофиқдир;

- ҳудуддаги мутасадди ташкилотлар билан келишилган ҳолда хорижий меҳмонлар ва сайёҳларга хизмат кўрсатиладиган транспорт воситалари ҳайдовчиларини махсус тайёрлов курсларини ташкил қилиш, ҳар куни маршрутга чиқадиган ҳайдовчиларни кўрикдан ўтказиш тартибини жорий қилиш зарур;

- вилоятнинг туризм соҳасида меҳнат қилаётган ходимлар ва мутахассисларни чет элларда ва халқаро ташкилотларнинг гранти орқали ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;

- ходимларнинг иш самарадорлигини оширишлари учун хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳрида жойлашган меҳмонхоналарга хизмат сафарлари уюштириш орқали малакаларини ошириш мақсадга мувофиқ

Вилоятда реклама таъминоти ва ёдгорлик буюмлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш. Хоразм вилоятида реклама фаолияти билан шуғулланадиган бир қанча ташқи реклама маҳсулотларини босмадан чиқарадиган хусусий корхоналар мавжуд. Уларда асосан туристик фирмалар, меҳмонхоналар ўз туристик маҳсулотларини буклетлар, брошюралар, каталоглар, хариталар, плакатлар, китоблар ва бошқалар. Реклама маҳсулотлари ўзбек, рус, инглиз, немис, япон, корейс ва бошқа тилларда chop этилган. Ишлаб чиқарилаётган реклама маҳсулотларида ягона миллий «УЗБЕКИСТАН» туристик брендидан фойдаланиш суст олиб борилмоқда.

Хоразм вилоятида халқ ҳунармандчилиқ кенг йўлга қўйилган жумладан, «Хунарманд» уюшмаси Хоразм вилоят бўлими томонидан. Хоразмда 11 та «УСТО-ШОГИРД» мактаблари ташкил этилиб, 47 та шогирдлар мавжуд. Маҳаллий маҳсулотлардан: гужум, терак, сада, тут, туранги дарахтларидан замонавий мебеллар ишлаб чиқарилмоқда.

Вилоятда сайёҳларга медицина хизмати кўрсатилиши ва хавфсизлиқнинг таъминланиши. Сайёҳларга медицина хизматларини ташкил қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш энг муҳим масалалардан биридир. Туристик объектларда асосан Хива шаҳридаги “Ичан

Қалъа” давлат музей кўриқхонаси ичида ва “Дишан Қалъа” атрофида медицина пунктларини ташкил этиш ва чет тилларини биладиган медицина ходимлари жалб қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Ундан ташқари халқаро магистраль йўллари бўйида ҳар 100 км.да талабга жавоб берадиган медицина пунктларини ташкил қилиш лозим. Туристик маршрутларда сайёҳларни транспорт воситаларида хавфсизликларини таъминлаш мақсадида ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳамкорликда ишлар олиб борилган. Туристик хизмат кўрсатиш объектларида ёнғин хавфсизлигини кучайтириш, автотранспорт воситаларида биринчи ёрдам кўрсатишни учун керакли дори дармонларни ва жиҳозларни таъминлаш лозим.

Вилоятда сайёҳатчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаларини ҳолати. Вилоятда сайёҳатчиларга транспорт воситаларида хизмат кўрсатадиган транспорт воситалари “Хоразм Палас” меҳмонхонаси балансидаги Хундай Аэропейс русумли 1та 45 ўринли ЕВРО-1 стандартига жавоб берадиган автобус, “Асиа-Хива” меҳмонхонаси тасарруфида Дазвоо русумли 1та 40 ўринли стандартларга жавоб берадиган автобус мавжуд. Ушбу автобуслар ҳолати талабларга жавоб беради.

2.2.1-Жадвал

Хоразм вилоятида 2010-2013 йиллар давомида туристларга хизмат кўрсатишнинг ривожланиб бориши

Кўрсаткичлар	Йиллар				2013 йилда 2010 йилга нисбатан, %
	2010	2011	2012	2013	
Ташриф буюрган ҳорижий сайёҳлар	30924	44424	49476	46572	150,6
Хизмат кўрсатилган туристлар(киши)	59340	74184	82020	57312	96,6
Кўрсатил-ган хизматлар (млн. сўмда)	1650,2 4	2562,3 6	2929,9 2	3198	193,8
Даромад (млн. сўмда)	24,12	131,28	61,2	78,96	327,4
Хизматлар экспорти (минг. АҚШ долларида)	1170,6	1654,5 6	2263,8	2001,8 4	171,0

2.1.2-Жадвал

Хоразм вилоятида жамоа бўлиб жойлаштириш воситалари тўғрисида маълумот

Кўрсаткичлар номи	ЖБЖВ	Номер фонди		Хизмат буюрган ташриф буюрувчилар	Тунаб қолишлар сони,бирлик	Шу жумладан ташриф буюрган–фуқаролар тамонидан:	
		Номерлар (хонлар)	ўринлар			Ўзбекистонлик	Хорижлик
Меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари	40	397	869	28846	51385	11052	40333
Меҳмонхона	29	1586	862	28836	51955	11622	49333
Пансионат (меҳмонхона типдаги)	1		100	10	30	36	-
Махсус жойлаштириш воситалари	3	60	415	1263	11512	11512	-
Доимий фаолият кўрсатувчи соғломлаштириш санатория оромгоҳи	2	15	159	621	6234	6234	-
Санатория профилактория	1	20	46	421	3641	3641	-
Дам олиш ташкилотлари	2	20	200	403	910	910	-

2.1.3-Жадвал

Хоразм вилояти Хива туманида жойлашган меҳмонхоналар тўғрисида маълумот

№	Туристик ташкилотлар номлари	Хизмат тури	мавжуд жойлари сони	Мавжуд хоналар сони	Шундан				Ишчи ходимлар сони		Кўрсатилган хизматлар ҳажми	
					Бир хонали	Икки хонали	Уч хонали	Аппартамент	Бошқа рув хизмати ходимлари	Хизмат кўрса тувчи	минг сўм.	АҚШ долл
1.	“Зафарбек” Туристик фирмаси	меҳмонхона	27	15	2	12	1	-	3	2	12233	5825
2.	«Мирзабошчи» хусусий фирмаси	меҳмонхона	25	13	2	10	1	-	2	5	17683	8420
3.	“Ориент Стар Хива” МЧЖ	меҳмонхона	153	78	3	75	-	-	3	14	681224	304080
4.	“Арқончи” хусусий фипмаси	меҳмонхона	81	41	4	34	3	-	2	5	66123	31487
5.	“Хива Лаъли Опа” хусусий меҳмонхонаси	меҳмонхона	12	5	-	4	-	1	2	2	21517	10250
6.	“Исоқжон-Умидабону” меҳмонхонаси	меҳмонхона	16	12	8	4	-	-	3	3	5264	2507
7.	“Хива Маликаси” қўшма корхонаси	меҳмонхона	72	39	6	33	-	-	2	28	371697	165878

8.	“Хива Маликаси” қўшма корхонаси “Хейвақ”	меҳмонхона	44	22	2	18	2	-				
9.	“Хива Маликаси” қўшма корхонаси “Малика Хоразм” меҳмонхонаси	меҳмонхона	60	32	4	28	-	-				
10.	“Хотел Азия Хива” МЧЖ	меҳмонхона	247	132	22	105	5	-	3	22	819535	376900
11.	“Хива Шахризода” хусусий меҳмонхонаси	меҳмонхона	27	15	3	11	1	-	1	3	37632	17920
12.	“Агротаъминот” таъмирлаш ва ишлаб чиқариш корхонасининг “Исломбек” меҳмонхонаси	меҳмонхона	58	26	-	21	4	1	2	2	53533	26316
13.	“Собир Арқончи” МЧЖ	меҳмонхона	81	41	4	34	3	-	2	5	66123	31487
14.	“Мерос” хусусий фирмаси	меҳмонхона	14	7	-	7	-	-	1	3	36104	17192
15.	“Мадраса Аминхон” кичик кохонасига қарашли меҳмонхона	меҳмонхона	32	16	1	14	1	-	1	4	8884	4230
16.	“Хива Алибек сервиз” кичик корхонасига қарашли	меҳмонхона	18	8	1	4	3	-	2	3	18372	8749

	меҳмонхона											
17.	“Ғанижон Афанди” МЧЖ	меҳмонхона	10	5	-	5	-	-	1	1	1140	543
18.	“Хива Отабек” хусусий меҳмонхонаси	меҳмонхона	10	8	6	2	-	-	2	1	2280	1086
19.	“Зафар Инвест Импекс” МЧЖга қарашли “Наyat Inn” меҳмонхонаси	меҳмонхона	72	38	4	32	-	2	5	17	222674	106035
20.	“Олд Хива” меҳмонхонаси	меҳмонхона	40	21	2	19	-	-	3	7	82524	39297
21.	«Бобожон Баззоз» оилавий корхонасига қарашли “Қалъа” меҳмонхонаси	меҳмонхона	20	10	-	10	-	-	2	2		

Туристларни жалб этишнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлган музейлар фаолиятини такомиллаштириш масаласига етарли эътибор қаратилмаяпти. Икки мингдан зиёд экспонатлар сақланаётган Урганч шаҳридаги “Олтин мерос” музейи ночор аҳволга тушиб бормоқда.

Вилоятда туризмнинг фақат маданий-таништирув йўналиши билангина чекланиб қолинмоқда. Экотуризм, экстемал туризм, археологик туризм, қишлоқ хўжалиги туризми, тадбиркорлик туризми, спорт туризми ва шунга ўхшаш кўплаб туризм йўналишларини ривожлантириш бўйича етарли ишлар олб борилмапти.

Туризмга ихтисослашган махсус транспорт инфратузилмасининг мавжуд эмаслиги туристларга хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда, туристларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Урганч-Бухоро, Урганч-Самарқанд йўналишлари бўйича самолётлар ҳамда тезюарар поездлар қатновининг йўлга қўйилмаганлиги вилоятда туристларга транспорт хизмати кўрсатиш билан боғлиқ энг катта муаммолардан биридир.

Туристларга транспорт хизмати кўрсатишга хусусий тадбиркорларни жалб этиш, шу йўл билан ҳам хизмат сифатин ошириш, ҳамда вилоятда кўшимча иш ўринлари яратиш масаласига эътибор қаратилмаяпти.

Кейинги йилларда вилоятда хусусий меҳмонхоналар сони кўпайганлигига қарамадан, туристик мавсум (март-июнь, август-ноябрь) мобайнида меҳмонхоналарда жой етишмаслиги билан боғлиқ муаммолар юзага келмоқда. Бундан ташқари, хусусий меҳмонхоналар ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида туристларга кўрсатиладиган сервис хизматининг сифати бугунги кун талабаларига жавоб бермайди.

Урганч шаҳридаги “Хоразм-Палас” меҳмонхонасидан бошқа бирор жойда (хатто Хивадаги Ичан қалъада ҳам) банкоматлар ўрнатилмаганлиги чет эллик туристлар учун ноқулайликлар туғдирмоқда. Ўз навбатида, мазкур ҳолат туризмдан келадиган даромаднинг ошишига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш, мутахассисларнинг малакасини ошириш каби йўналишлардаги ишларни ҳам такомиллаштириш тақозо этилади. Ўқувчиларга қулайлик яратиш мақсадида Урганч туризм касб-ҳунар коллежи ётоқхонасини барпо этиш зарурияти юзага келган.

Бугунги кунда вилоятдаги аксарият туристик ташкилотларда туризм соҳасида махсус билимларга эга бўлмаган ходимлар фаолият кўрсатмоқда.

§ 2.2. Хоразм вилояти туризм кластерини ривожлантиришда туристик ресурслари имкониятларининг таҳлиллари

Хоразм вилоятида туризм соҳаси республикада энг ривожланган вилоятлардан биридир. Ушбу вилоятда туризмни ривожланиши ўзига хос жихатларга эга бўлиб, соҳани янада ривожлантириш учун етарлича имконият ва салоҳиятларга эга. Қуйида тадқиқот натижасида олинган маълумотларга асосланиб туризм соҳаси учун яратилган шароитларни кўриб чиқамиз.

Урганч халқаро аэропорти. Хорижий ва маҳаллий туристларни турли русумдаги самолётларда қабул қила олади. Учиш зали 2 қаватли бинодан иборат бўлиб жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган 170 ўриндиқли кузатиш зали, барча қулайликларга эга ва барча хизматлар ташкил этилган. Биринчи қаватда 6 та рўйхатдан ўтказиш устунлари, паспорт назорати хизматлари ва божхона назорати хизматлари мавжуд бўлиб туристларга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларга эга. Жумладан: 17 та юк ташиш аравачаси, валюта айирбошлаш шаҳобчаси, медицина хизматлари кўрсатиш шаҳобчаси, ногиронларга мўлжалланган ҳожатхона, реклама таблолари, авиарейслар жадвали, ягона ахборот хизмати тизими, авиачипталар сотиш ва маълумот бериш устунлари мавжуд.

Урганч халқаро аэропорти фаолиятини такомиллаштириш ва сифатли хизматлар кўрсатиш учун таклифларни келтириш мумкин:

- Кутиб олиш залида атиги 15 ўринга мўлжалланган ўриндиқлар, 2 та чегара назорати устуни ва декларация тўлдириш устунлари 1та валюта айирбошлаш шаҳобчаси мавжудлигини аниқланди ва кутиб олиш залини кенгаштириш, чегара ва назорат устунларини 6 тагача етказиш мақсадга мувофиқдир;

- Ички рейсларда кутиб олиш зали хизматларидан фойдаланилмайди. Кутиб олиш залини янада кенгайтириш ва учиш зали инфратузилмаси даражасига етказиш мақсадга мувофиқдир;

- Халқаро чартер сайёҳлик авиарейслари тармоғини кенгайтириш;

- Аэропорт олдида, автоуловларни тўхтаб туриш жойларида аэропортгача бўлган жойларда етарли даражада ёритиш ва бино устидаги “Урганч халқаро аэропорти” таблосини ёритиш (рейслар амалга оширилаётган вақтда);

- Урганч аэропортида чартер сафарларини амалга ошираётганида, аэропорт хизматларидан фойдаланаётган чет эл авиакомпанияларининг ижара, ёқилғи ва бошқа хизматлари учун тўғридан тўғри валютада қабул қилишни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Хоразм вилоятидаги темир йўл вокзаллари. Хоразм вилоятида 4 та темир йўл вокзали мавжуд бўлиб, Урганч, Шовот, Хазарасп, Питнак темир йўл вокзалларидир. Урганч темир йўл вокзалида хорижий туристларга хизмат кўрсатилади. Вокзалда қуйидаги инфратузилмалар мавжуд: 1 та валюта айирбошлаш шаҳобчаси, дам олиш хонаси, чипталарни сотиш ва маълумот бериш устунлари, вокзалда темир йўл поездларининг ҳаракатининг олти ойлик жадвали ва ягона ахборот тизими мавжуд.

Вокзалнинг инфратузилмасини янада такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир ва қуйидаги таклифлар тавсия этилади:

- Автоуловлар тўхтайдиган махсус жойларни ташкил қилиш;

- Вокзал ичида реклама, мамлакатимиз туристик масканларини акс эттирувчи шитлар ва мониторларни ўрнатиш;

- Валюта айирбошлаш шахобчасида етарли даражада нақд пул маблағлари билан таъминлаш ва банк терминалларини ўрнатиш;
- Юк ташиш аравачалари сонини кўпайтириш;
- Вокзал ичида интернет тармоғини йўлга қўйиш;
- Урганч-Бухоро-Урганч ва Самарқанда-Урганч-Самарқанд йўналишлари бўйича туристик тезюар поездлари маршрутларини ташкил қилиш (туристик мавсумларда);
- Вокзал ичида совутгич ва иситгичларни ўрнатиш;
- Вокзалда санитария гигиена қоидаларига риоя қилиш ва хожатхоналар ҳолатини яхшилаш;

Хоразм вилоятида Давлат чегарасидан ўтиш пунктлари инфратузилмаси ҳолати. Халқаро мақомга эга Давлат чегарасидан ўтиш пункти Шовот туманидаги Шовот халқаро божхона пости мавжуд. Божхона назорати пункти соат 9:00 дан 18:00 фаолият юритади. Божхона назорати пунктида фақатгина Ҳиеманн (эски) русумли назорат аппарати мавжуд. Кириш ва чиқишни назорат қилиш учун алоҳида 1 тадан божхона пункти ва 1тадан паспорт назорати амалга ошириладиган, компьютерлаштирилган терминали мавжуд. Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктлари орқали келаётган сайёҳлар учун чегара ҳудудларида виза олиш, транспорт хизмати ва қўшимча хизматлар кўрсатиш имкониятлари мавжуд эмас.

Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктларидаги жаҳон андозаларига мос туристик хизмат кўрсатиш мақсадида қуйидаги таклифлар тавсия этилади:

- Давлат чегараларини кесиб ўтиш пунктларида хожатхона муаммолари мавжуд, туристларни дам олиш хонасини ташкил этиш, уларга савдо ва умумий овқатланиш хизматларини ташкил этиш, мамлакатимизнинг туристик салоҳияти акс эттирилган ташқи реклама шитларини ташкил этиш ва “Ўзбекистонга хуш келибсиз” ёзувларини чегара ва божхона назорати постидан ўтгандан сўнг ёзиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир;

- Давлат чегараси, божхона назорати пунктларини замонавий техник воситалари билан жиҳозланса, хизмат кўрсатиш суръати ва сифати ошишига олиб келади;
- Чегара пунктларида виза олишни ташкил этиш лозим, ўшанда туристик оқим ижобий томонга ўзгаради;
- Пуллик хизмат кўрсатувчи транспорт хизматларини ташкил этиш;
- Юк ташиш аравачалари ва уларга мос равишда йўлакчалар ташкил этиш лозим;
- Туристларни кутиб олувчи фирмаларнинг вакилларига божхона назоратигача бўлган ҳудудга рухсатнома берилса мақсадга мувофиқ бўларди;
- Туристлик мавсумларида валюта айирбошлаш шаҳобчаларини ташкил этиш лозим;
- Санитария гигиена қоидаларига риоя қилиш (био ҳожатхоналарни ўрнатиш)
- Божхона назорати пунктида узлуксиз электр энергияси ва сув таъминотини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хоразм вилоятининг туристик маршрутлар йўли ва йўл бўйи инфратузилмаларининг ҳолати.

Хоразм вилоятида халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўли А-380 "Гуздор-Нукус-Кунгирот-Бейнеу" 439-552км.лари Хоразм вилояти ҳудуди ҳисобига киради. Ушбу йўлнинг 439-520км реконструкция ишлари олиб борилган, 520-553км.ларини реконструкция ишларини ПК-1041 асосан тупроқ ишлари бажарилиб 2010 йилда реконструкция ишлари тўлиқ якунланиши мўлжалланган. 2008 йилда 4р158 "Урганч – Хива" автомобиль йўлининг 0-25км.ларида тўлиқ таъмирлаш ишлари бажарилиб, йўлнинг икки томони ёриткичлар билан тўлиқ жиҳозланди. 4р162 "Урганч айланма йўли" 0-5км.лари тўлиқ таъмирланиб янгидан асфальтобетон қопламаси ётқизилди ва йўл ёриткичлар билан тўлиқ жиҳозланди. 4р156 "Урганч-Хонқа-Хазорасп-

Туркменистон чегараси" автомобиль йўлининг 41-62км.ларида ўрта таъмирлаш ишлари бажарилган, 2009 йилга 30-41км, 62-68км.ларида таъмирлаш ишлари режалаштирилган.

Туристик маршрутлар йўли ва йўл бўйи инфратузилмаларини яратиш бўйича қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

•4р 163 автомобиль йўлининг Боғот туманидан Хива шаҳригача бўлган қисмини таъмирлаш, 4р156 "Урганч-Хазорасп-Амударё" автомобиль йўлини Амударё кўприги орқали ўтиб А-380 халқаро йўлигача таъмирлаш (0-88км), шу йўналишлардаги кўприкларни, автобус бекатларини ҳамда йўлакларини таъмирлаш. 4р161 "Урганч-Чолиш" автойўлининг таъмирлаш (0-13км).

•4р 163 автомобиль йўлининг Боғот туманидан Хива шаҳригача бўлган қисмини таъмирлаш, 4р156 "Урганч-Хазорасп-Амударё" автомобиль йўлини Амударё кўприги орқали ўтиб А-380 халқаро йўлигача таъмирлаш (0-88км), шу йўналишлардаги кўприкларни, автобус бекатларини ҳамда йўлакларини таъмирлаш. 4р161 "Урганч-Чолиш" автойўлининг таъмирлаш (0-13км).

•А-380 а/йўлининг 490 км Саримой аҳоли пунктида 1 дона, Хазорасп туманидаги Амударё темир йўл кўпригидан ўтган жойга 1 дона, 4р158 "Урганч-Хива" йўлининг Хива тумани ҳудудига 2 дона кемпинг куриш. Жами 4 дона 4р 161 "Урганч -Чолиш" йўлини Урганч тумани ҳудуди ва 4р156 "Урганч-Хазорасп-Амударё" автойўлини Боғот тумани ҳудудида кемпинг сифатида курилган, кейинчалик хусусийлашган кемпингларни ўз фаолияти бўйича ишлашини таъминлаш.

•Йўл бўйи бошқа инфратузилмаларни (ёқилғи қуйиш шахобчалари, транспорт тўхташ жойларини, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, алоқа воситалари)ни бошқа давлат ташкилотлари ва хусусий корхоналар томонидан куриш ва фойдаланиш.

- Туристтик йўналишдаги йўлларда таъмирлаш давомидатаблolar, йўналиш кўрсатгич жихозлари, йўл белгилари ва қўшимча таблolarни янгидан ўрнатиш;

- Бухоро-Урганч автотрассасини жаҳон стандартлари мос равишда тамирлаш ва барча йўл инфратурзилмасини ташкил қилиш;

- Туристтик маршрутларда сайёҳларнинг овқатланиши санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган, сифати ва сертификати бўлган озиқ-овқатлар билан таъминланган овқатланиш объектларида ташкил этиш.

Вилоятдаги меҳмонхона хўжаликлари, дам олиш зоналари ва сихатгоҳларнинг моддий-техник базасининг ҳолати.

Ҳозирги кунда Хоразм вилоятида туризм соҳасида фаолият кўрсатиш учун лицензияга эга бўлган меҳмонхона хўжаликлари сони 17 тани ташкил этади. Шундан, 1 таси туристик фирма («Бек-тур»), қолган 16 таси меҳмонхона хўжаликлари ҳисобланади. Мазкур меҳмонхоналар туристларга тунаш ва овқатланиш хизматларини тақдим этишади. Вилоятнинг Урганч ҳудудида 3 таси жойлашган бўлиб, шундан «Узолмонхотелз»қўшма корхонасининг «Хоразм-Палас»меҳмонхонаси ҳамда«Урганч Эл-Тур» МЧЖ«Наврўз» меҳмонханалари фаолият юритмоқда, “Жайхун” меҳмонхонаси ҳозирда таъмирдан чиқарилмоқда. Хива ҳудудида 14 та меҳмонхона жойлашган. Уларнинг аксариятига 3 ва 4 юлдузли мақом берилган. Шу билан бирга ҳудуддамеҳмонхона хўжаликларида хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклифлар инобатга олинса мақсадга мувофиқ бўларди;

- меҳмонхоналарда хизмат кўрсатувчи ходимларни ишга қабул қилишда уларнинг хорижий тилларни билиш даражасига эътиборни қаратиш;

- меҳмонхоналарни электр энергия, сув, газ таъминотлари билан узилиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда чора тадбирларни йўлга қўйиш;

- меҳмонхона хўжаликларида туристларнинг мароқли дам олишлари учун қўшимча хизматларни йўлга қўйиш (концерт, учрашув ва ҳ.к.);

- меҳмонхоналарда туристларга қулайлик яратиш мақсадида бир қатор валюта алмаштириш пунктларини очиш (ВИСА, МАСТЕР КАРД ва ҳ.к.);

- меҳмонхоналарга лизинг ёки имтиёзли кредитлар ажратган ҳолда замонавий транспорт воситалари билан таъминлаш;

- ходимлар малакасини ошириш мақсадида Тошкент ёки Самарқанд шаҳридаги замонавий меҳмонхоналар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- меҳмонхоналарда кимёвий тозалаш пунктларини очиш;

- жаҳон андозаларига мос равишда автоматлаштирилган бронлаштириш тизимини жорий этиш;

- меҳмонхоналарда туристлар учун интернет тизимидан фойдаланиш тизимини жорий этиш;

- хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда Хива шаҳрида янги замонавий меҳмонхоналарни ташкил этиш;

- объект тўғрисида реклама маҳсулотларини ташкил этиш ва ҳ.к.

-

“2013-2015 йилларда Хоразм вилояти туризм кластерини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Вилоятда туризмни ривожлантириш дастурига асосан 2013-2015 йилларда **жами 214,3 млрд. сўмлик 204 та лойиҳа** амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, 2013 йилда 61,4 млрд. сўмлик 119 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш. Бугунги кунда вилоятда 29 та меҳмонхона фаолият кўрсатиб, улардаги ўринлар сони 1574 тани ташкил этади.

Дастур доирасида **27 та** меҳмонхоналар янгидан қурилади, **3 та бино** меҳмонхонага айлантирилади ҳамда **4 та мавжуд** меҳмонхона реконструкция қилинади. Натижада вилоятда меҳмонхоналар сони 57 тага, улардаги ўринлар сони 2688 та (173%) га етказилади.

Шундан 2013 йилда **1 та** меҳмонхона янгидан қурилди, **2 тасида** реконструкция ишлари олиб борилмоқда, **4 та** ресторан ва умумовқатланиш шаҳобчалари, **10 та** санитария гигиена шаҳобчалари янгидан ташкил этилди, натижада **8,3 млрд. сўм** инвестиция ўзлаштирилди. 2014-йилнинг биринчи чорак якуни билан Урганч шаҳри Тинчлик кўчасида “Наврўз” ишлаб чиқариш тижорат фирмаси томонидан ҳамда Гурлан тумани “Гурлан Бехруз” МЧЖ ташкилоти томонидан қурилаётган меҳмонхоналар биринчи чорак якуни билан тўлиқ тайёр ҳолатга келтирилди.

2013 йилда 10 та маданий меърос объектларида таъмирлаш ишлари учун 2,97 млрд сўм белгиланган бўлиб, йил якуни билан 1,8 млрд. сўмлик ишлар амалга оширилди. Жумладан “Чодира ҳовли”, “Музхона”, “Ўлкашунослик музейи”, “Отожон Тўра” мадрасаси, “Вилоят қўғирчок театр”, “Боғи шамол” мажмуаларида таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди. “Нурлабой” мажмуасида давлат бюджетидан 840 млн. сўмлик ишлар амалга оширилди. 2014 йилда амалга оширилиши белгиланган лойихалар жорий йилнинг иккинчи чорагида бошланиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, маҳаллий тадбиркорлар томонидан фойдаланилмаётган бинолар негизида меҳмонхона ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан: “Ал Беазим электрик” корхонаси томонидан вилоят Давлат солиқ бошқармаси биноси негизида 80 ўринли 3 юлдузли,

“Хоразм балиқ маҳсулотлари” МЧЖ томонидан “Қишлоққурилиш банк” собиқ биноси негизида 40 ўринли, "Hyper finance group" компанияси томонидан Хива тумани “Кенгашлар уйи” биноси негизида 80 ўринлик меҳмонхоналардир.

Туристларга янги сайёҳлик йўналишлари тақдим қилиш мақсадида **Хива туманида** “Чодира боғ”, “Боғи шамол”, “Хива қорақўл” фермерлик хўжалигида, “Эшон Равот” кўлида, Боғот туманида “Қалажиқ қалъа”, **Урганч туманидаги** “Улли ҳовли” объектларида янги сайёҳлик инфратузилмаларини ташкил этиш борасида ишлари олиб борилиб, ҳозирда “Боғи шамол”, “Эшон Равот” объектларида ишлар тўлиқ амалга оширилди.

“Қалажиқ қалъа”, “Хива Қоракўл” ва “Улли ховли” хуудларида ишлар 85%га бажарилди.

Вилоятда 255 та маданий мерос объектлари рўйхатдан ўтказилган бўлиб. Жумладан, 18 таси археология, 133 таси архитектура, 66 таси хайкалтарошлиқ ёдгорликлари, 6 таси диққатга сазовор жойлар ва 32 таси муқаддас жойлардир. Хоразм вилоятидаги барча маданий мерос объектларининг ягона реестири яратилиб, объектларнинг жорий ҳолати ақс этган паспортлари тузилди. Ҳар бир объектнинг маданий-тарихий аҳамияти бўйича ахборот-маълумот базаси Маъмун академияси билан ҳамкорликда шакллантириш ишлари якунланди.

Сайёҳларни хордиқ чиқариш индустриясини ривожлантириш борасида “Огаҳий” номидаги вилоят драма театри томонидан спектакллар танлаб олиниб (“Маҳтумқули”, “Дилда борим”) сахна томошаларини намойиш этиш йўлга қўйилди.

2013 йил 5 апрель кунидан бошлаб, “Достон фольклор”, “Хива фольклор” этнографик халқ ансамбли ва “Сайкал” оилавий фольклор ансамблларида иборат бадиий жамоалар “Аллақулихон” мадрасасида мавсум давомида хорижий сайёҳларга ҳар куни 19:00 ўз концерт дастурларини намойишини бошлади.

“Ичан-Қалъа”да сайёҳларга Ўзбек миллий кино дурдоналари намойишини ташкил қилиш мақсадида, “Тохир ва Зухра”, “Насриддиннинг саргузаштлари”, “Алишер Навоий”, “Ўтган кунлар” каби ўзбек миллий кино дурдоналари инглиз тилида субтиторларда ҳар куни “Кўхна Арк” ёзги кинотеатрда шунингдек, вилоят “Огаҳий” номидаги драма театри ва вилоят кўғирчоқ театри ҳамкорликда 2013 йилнинг апрел ойидан “Тош ҳовли” мажмуасида “Хон қабулида” деб номланувчи театрлаштирилган сахна томошаларисайёҳларга намойиши ташкил қилинди. 2014 йилги сайёҳлик мавсум бошланиши билан ушбу тадбирларни давом эттириш белгилаб қўйилган.

2013 йилнинг 7-8 июнь кунлари Хива шаҳри “Ичан Қалъа” Давлат музей кўриқхонаси ҳудудида “Хоразм маданияти” фестивали ўтказилди. Фестивал доирасида “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ва “Буюк Ипак Йўли” реклама агентлиги ташаббуси билан Республикада биринчи бора “Uzbekiston Travel Workshop-2013” туристик ярмаркаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва Спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан “Бахши шоирлар, оқинлар ва ҳалфалар” Республика кўрик танлови ўтказилди. Фестивалга Республикамизнинг барча вилоятларидан туризм ва маданият соҳаси вакиллари жумладан туризм соҳасидан 96 нафар, маданият соҳасидан 70 дан ортиқ ва 300 дан ортиқ хорижий сайёҳлар ташриф буюришди. Ушбу тадбирни 2014 йилнинг июнь ойида ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Сувенирлар ишлаб чиқариш индустриясини ривожлантириш соҳасида “Хоразм гиламлари” каталоги 500 нусхада чоп этилди. Бугунки кунда Германиянинг GIZ халқаро ҳамкорлик ташкилоти ҳомийлигида қайтадан чоп қилиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Вилоятнинг брендига доир рамзи тушурилган фитболкалар ишлаб чиқарилиб савдога чиқарилди. “Хива Сополи” МЧЖ корхонаси томонидан 7 хилдан ортиқ сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши амалга оширилди ва келгусида Хитой ва Венгрия давлатларидан янги технологик асбоб уқуналар сотиб олиш борасида изланишлар олиб бормоқда.

Туристик имкониятларни намойиш қилиш борасида Хоразм вилоятининг бой маданий мероси ва туристик потенциалини намойиш қилувчи бренди яратилди ва жаҳон туризм бозорида яъни 2013 йилнинг 24-27 сентябр кунлари Францияда ўтказилган TOPREZA сайёҳлик ярмакасида ҳамда 19-Тошкент халқаро туристик ярмаркасида вилоят туристик ташкилотлари биринчи бора вилоят бренди остида иштирок этишди. 2014 йил 5-9 март кунлари Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган ITB-2014 халқаро сайёҳлик ярмаркасида вилоятимизда фаолият юритаётган «Javhar Hulkar Yulduzi» сайёҳлик ташкилоти қатнашди.

Сайёхлар ўртасида бепул тарқатиш учун экскурсия-сайёхлик харитасини чоп қилиш мақсадида 2014 йилнинг 31 март куни Республика “Картография” илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси билан умумий қиймати **4520700 сўмлик** №117-сон шартнома тузилиб 1-апрел ҳолатига хаританинг бирламчи нусхаси чоп қилинди.

Худуднинг туристик имкониятларини рекламасини ташкил этиш борасида хориж оммавий ахборот воситалари ходимлари ва хорижий тур операторларга “Мега- инфо-турлар” ташкил этилиб дунёнинг 18 мамлакатдан 35 нафар оммавий ахборот ва 203 нафар хорижий туристик ташкилотлар вакиллари қабул қилинди.

Худуднинг туристик имкониятини намойиш қилиш ва сайёхлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, “Ичан Қалъа” ва “Урганч” халқаро аэропортида сайёхлик ахборот офислари ташкил этилди.

Туризм соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида “Ўзбектуризм” МКси қошидаги ўқув илмий ишлаб чиқариш марказининг вилоят филиали ташкил этилиб 2013 йилда 20 нафар ёшлар ҳамроҳ таржимонлик курсларини битказиб махсус сертификатга эга бўлишди.

Европа давлатининг тажрибаларини ўрганиш мақсадида 4 нафар вилоят мутахассисларини Латвияга сафари уюштирилди.

Урганч туризм ва тадбиркорлик коллежидан 2 нафар инглиз тили ўқитувчиси Британия Кенгашининг “Туризм соҳаси йўналиши бўйича инглиз тили” лойиҳасида иштирок этди. Шунингдек махсус фанлар бўйича бир нафар ўқитувчиси “Ўзбектуризм” МК томонидан ташкил этилган ўқитиш жараёнига замонавий метод ва технологияларни ўзлаштириш ва жорий этиш бўйича 7 ойлик ўқув курсида қатнашиб, сертификатга эга бўлди.

Бухоро ва Фарғона вилоятлари ҳунарманд усталари томонидан 40 нафар, Наманган вилояти уста ҳунармандлари томонидан 2013 йилда 20 нафар вилоятимизнинг ёш ҳунарманд усталарига ҳунармандчиликни турли йўналишлари бўйича машғулотлар ўтказилди.

§ 2.3. Хива туристик кластеридаги меҳмонхоналарнинг рақобат муҳити, рақобатбардошлигини ифодоловчи кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таҳлиллари

Хива туристик кластерининг рақобатбардошлик афзалликларини аниқлаш, ички ва ташқи бозор конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда чуқур илмий таҳлил қилиш асосида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини ва аҳоли фаровонлигини ошириш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакат иқтисодиётининг минтақавий таркибида Хоразм вилояти ўзига хос транспорт-географик жойлашуви, табиий-иқтисодий салоҳиятининг рақобатбардошлик афзалликлари билан ажралиб туради. Лекин шунга қарамасдан улардан фойдаланиш самарадорлиги талаб даражасида эмас. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва инвестицион фаоллик даражаси бўйича республикада кейинги ўринларни эгаллаб келмоқда. Минтақа иқтисодиётида туризмнинг ўрни ҳамон пастлигича қолмоқда, бу ўз навбатида барқарор туризмни ташкил қилиш ва унинг ўсишини таъминлашда муаммо ва номутаносибликларни келтириб чиқармоқда.

Шу сабабли вилоятда мавжуд рақобатбардошлик афзалликларидан тўлароқ фойдаланиш асосида туризм салоҳиятини кескин кенгайтириш, нисбатан юқори ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини янада ошириш жуда долзарб масаладир. Айниқса туристик кластернинг рақобатбардошлигини ошириш механизмлари сифатида узоқ муддатли тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш, уни ривожлантиришнинг илғор усул ва шакллари(эркин иқтисодий зоналар, халқаро логистика марказлари, кластерлар тизими ва мақсадли ихтисослашув)дан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш амалиёт учун катта аҳамиятга эга. Мамлакат ва минтақалар иқтисодиётини ривожланишини тартибга солишнинг муҳим йўналишларидан бири уларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси

Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «Мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун иқтисодий таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш лозим»²⁷

Ушбу устувор йўналиш маълум даражада Хоразм минтақасига ҳам таъаллуқлидир. Туристик кластерлар рақобатбардошлиги назарияси эндигина шаклланиб бормоқда. Шу сабабли унинг мазмуни, тушунчаси бўйича олимлар ўртасида турли қарашлар ва таърифлар мавжуд. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, минтақалар ўртасидаги рақобатбардошлик жараёни мамлакатлар, тармоқлар ва корхоналар ўртасидаги аниқ бир кўринишга эга бўлмайди. Ушбу жараён етарлича узоқ ва мураккаб бўлиб, минтақаларнинг рақобатбардошлиги, биринчи навбатда инвестицияларни жалб қилган ҳолда ҳар бир ҳудуднинг рақобат афзалликларидан самарали фойдаланишга қаратилгандир.


Қуйида таҳлиллар натижасида умумлаштирилган Хива туристик кластерининг рақобат устунлигини шакллантирувчи омиллар гуруҳи яхлит тизимга келтирилган.



2.3.1-расм. Хива туристик кластерининг рақобат устунлигини шакллантирувчи омиллар

²⁷ 7Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. -Т.: Ўзбекистон, 2010. 59 б

Таҳлилнинг туристик фирмалар ва меҳмонхоналарни ўрганишдаги навбатдаги вазифаси, айнан туризм сервиси билан шуғулланадиган фирмаларнинг иқтисодий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш, рақобат афзалликлари ва рақобатбардошлигини таъминловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантирдан иборатдир. Чунки бозор муносабатлари шароитида ушбу кўрсаткичларни аниқламасдан, уларнинг барқарорлигини таъминламасдан туриб, уни банкротликдан, иқтисодий инқирозлардан сақлаб қолиш жуда мураккаб бўлади. Хива туристик кластерининг рақобатбардошлигини таъминловчи кўрсаткичлар тизими қуйидагилардан иборат.



2.3.2-расм. Хива туристик кластерининг рақобатбардошлигини таъминловчи кўрсаткичлар тизими.

Ушбу кўрсаткичлар тизими асосида Хива туристик кластерига кировчи **“Хива Шахризода”** меҳмонхонасининг рақобатбардошлигини ифодаловчи айрим кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятига баҳо беришда қўлланилиши лозим бўлган кўрсаткичлардан бири, бу унинг иктисодий мустақамлигии (I_m) ифодаловчи кўрсаткичлардир. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун туристик фаолиятда хизмат кўрсатилган туристлар сонини (Тур) фойдалилик нуктасини таъминловчи (Фн) туристлар сонига (Тур.фн) бўлиш лозимдир. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қиламиз.

$$K_{им} = \frac{Тур}{Узмх:Тмф} = \frac{Тур}{Тур.фн}$$

Ушбу формулада фойдалилик нуктасини таъминловчи туристлар сонини (Тур.фн) аниқлаш учун ўзгармас харажатларни (Узмх) туристик фаолиятнинг маржинал даромадлигига (Тфмд) бўлинади. Буни қуйидаги формула орқали аниқлашни тавсия қиламиз:

$$Тур. фн = \frac{Узмх}{Тфмд}$$

Агар ушбу формула орқали ҳисобланган миқдор бирга тенг бўлса ($Тур.фн = 1$) корхона ўз фаолиятида зарар ҳам кўрмаган ва фойдага ҳам эришмаган бўлади. Агар $Тур.фн > 1$ бўлса туристик фирма фойдага эришганлигидан, $Тур.фн < 1$ бўлса зарар кўрганлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткичларнинг қиёсий таҳдшли қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

Мазкур кўрсаткичлар бўйича, таҳлил қилинаётган 4 та туристик фирманинг рақобатбардошлиги қиёсий ўрганилди (-жадвал).

“Хива Шахризода” меҳмонхонасининг бозор фаолияти иқтисодий самарадорлигининг таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	“Ориент Стар Хива” МЧЖ	“Хива Шахризода” хусусий меҳмонхонаси	“Зафарбек” Туристик фирмаси	“Хива Отабек” хусусий меҳмонхонаси
1. Туристлар сони, киши	1501,0	270,0	270,0	82,0
2. Туристик фаолиятдан тушган тушум, минг сўм	681224,0	37632,0	12233,0	2280,0
3. Ўзгарувчи харажатлар, минг.сўм	217991,7	12042,2	3914,6	729,6
4. Ўзгармас харажатлар, минг.сўм	23979,1	1324,6	430,6	80,3
5. Маржинал даромад, минг сўм (2қ-3қ)	463232,3	25589,8	8318,4	1550,4
6. Фойда, минг сўм (5қ-4қ)	439253,2	24265,1	7887,8	1470,1
7. Иқтисодий барқарорлик коэффиценти (6қ:5қ)	0,9	0,9	0,9	0,9
8. Туристик фаолиятнинг ўзгарувчи харажатлилиги, минг.сўм(3қ:1қ)	145,2	44,6	14,5	8,9
9. Туристик фаолиятнинг самарадорлиги, минг сўм (2қ:1қ)	453,8	139,4	45,3	27,8
10. Туристик фаолиятнинг маржинал даромадлиги, минг сўм (9қ-8қ)	308,6	94,8	30,8	18,9
11. Фойдалилик нуқтаси микдори, киши (4қ:10қ) .	77,7	14,0	14,0	4,2
12. Фойдалилик нуқтаси суммаси, минг сўм (11қ. 9қ)	35263,4	1948,0	633,2	118,0
13. Корхонанинг иқтисодий мустаҳкамлик коэффиценти (1қ;11қ)	0,04	0,1	0,4	0,7
14. Молиявий мустаҳкамлик (рақобатбардошлик) микдори, минг сўм (2қ-12қ)	645960,6	35684,0	11599,8	2162,0
15. Молиявий мустаҳкамлик (рақобатбардошлик) даражаси	645960,6	35684,0	11599,8	2162,0
16. Иқтисодий мустаҳкамлик коэффиценти бўйича эгаллаган ўрни	4	3	2	1

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил қилинаётган туристик фирмаларда иқтисодий барқарорлик “Хива Отабек” хусусий меҳмонхонасида 0,7 ёки 70% дан “Зафарбек” Туристик фирмасида 43,84 гачамасофага эга. Ушбу маълумотлар бўйича хулоса қилинадиган бўлса, туристик фирманинг иқтисодий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар миқдори анча юқори. Иккинчи ўринда “Зафарбек” Туристик фирмаси 0.4 ёки 40% миқдор билан турибди, учинчи ўринни 0,1 ёки 10% миқдор билан “Хива Шахризода” хусусий меҳмонхонаси эгаллаган бўлса, тўртинчи ўрин 1 % миқдор билан “Ориент Стар Хива” МЧЖ фирмага тўғри келади.

Охирги ўринда 1 % миқдор билан “Ориент Стар Хива” МЧЖ фирма турибди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, “Хива Отабек” туристик фирмасининг олаётган маржинал фойдасининг асосий қисмини (70 %) фойда суммаси ташкил қилади. Бундай жараён бозор муносабатлари шароитида ижобий ҳисобланади ва мазкур фирмани иқтисодий жиҳатдан барқарор деб баҳолаш мумкин. Худди шундай ҳолатни туристик фирмаларнинг иқтисодий мустаҳкамлик даражаси бўйича ҳам кўриш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, корхонанинг иқтисодий барқарорлиги юқори бўлган фирмада унинг иқтисодий мустаҳкамлиги ҳам юқори бўлади. Ушбу ҳолатни характерловчи кўрсаткичларнинг ифодалашича биринчи ўринни “Хива Отабек” фирмаси 0,7 коэффициент билан эгаллаган бўлса, иккинчи ўринда 0,4 коэффициенти билан “Зафарбек” Туристик фирмаси, учинчи ўринда 0, 1 коэффициент билан “Хива Шахризода” хусусий меҳмонхонаси фирмаси эгаллаб турибди. Ушбу кўрсаткич бўйича ҳам худди иқтисодий барқарорликни аниқлаш сингари тўртинчи ўринда “Ориент Стар Хива” МЧЖ фирма (0,1).

Корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлиги, яъни рақобатбардошлиги жиҳатидан ҳам шу меҳмонхоналар маълумотлари таҳлил қилинди. Рақобатбардошликнинг миқдори бўйича таҳлил

киладиган бўлсак, энг юқори кўрсаткичга “Хива Отабек” меҳмонхонаси эришган, иккинчи ўринда “Хива Шахризода” хусусий меҳмонхонаси ва ниҳоят охириги ўринда “Ориент Стар Хива” МЧЖ фирма турибди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, рақобатбардошликнинг микдори ҳам бошқа микдорий кўрсаткичлар сингари таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар ҳолатига баҳо бериш учун етарли эмас. Шу туфайли рақобатбардошликнинг даражасини аниқлаш тавсия қилинган ва аниқ маълумотлар асосида уларнинг кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Ушбу кўрсаткичлар бўйича хулоса қилинадиган бўлса, шунинг таъкидлаш жоизки, 4 та меҳмонхона ичида энг рақобатбардошлик фирма “Хива Отабек” фирмасидир. Иккинчи ўринда “Хива Шахризода” хусусий меҳмонхонаси, учинчи ўринда Зафарбек” Туристик фирмаси, тўртинчи ўринда “Ориент Стар Хива” МЧЖ эгаллаганлар.

Хулоса қилиб айтганда, фирмаларнинг иқтисодий барқарорлиги, мустаҳкамлиги ва рақобатбардошлигини баҳолаш ва қиёсий таҳлил қилиш бўйича ишлаб чиқилган тавсияларимиз амалиётга жорий қилинса, сўзсиз, корхоналар ишини яхшилаш, рақобат - бардошлигини мустаҳкамлаш имконияти туғилади ва таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун асос бўлади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда иқтисодиёт кескин ривожланиш босқичига ўтган. Бу ҳолатда ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишнинг муҳим йўлларида бири мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишига ҳам бевосита боғлиқ. Шу туфайли бу соҳага эътибор берилиб, унинг қонуний ва моддий техник асоси яратилди. 1992 йилда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ташкил этилди, 2007 йилда Ўзбекистонда 2015 йилгача туризмни ривожлантириш бўйича Давлат дастури қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда. Аммо бу соҳа бўйича мавжуд салоҳиятдан етарлича фойдапанилмаяпти. Чунки унинг ривожланиш тенденцияси, туристик салоҳиятдан самарали

фойдаланиш йўллари, уни ташкил қилиш, бошқаришни такомиллаштириб рақобатбардошлигини баҳолаш каби масалалари назарий ва амалий жиҳатдан ҳамон чуқур ўрганилган эмас.

Бозор муносабатлари шароитида ҳамма соҳада бўлганидек, туризм соҳасида ҳам эркин рақобат ҳукм суради. Бу соҳанинг рақобатбардошлигига нафақат ички, балки кўп ҳолларда ташқиомиллар ҳам етарли даражада таъсир қилади. Шу туфайли ушбу соҳанинг рақобатбардошлигига баҳо беришда, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда ички омиллар билан бирга ташқи омилларни ҳам инобатга олиш лозим.

Туризм соҳасида рақобатбардошликни аниқлаш учун икки жиҳатдан ёндашмоқ лозим. Биринчидан, ушбу соҳа ўзига фойда келтиришни таъминласа, иккинчидан, у давлатга ҳам фойда келтириши лозим. Шу икки жиҳатга эришилса, табиийки, у аҳолига ҳам, айниқса уларни иш билан таъминлаш орқали даромадларини кўпайтиришга ҳам хизмат қилади. Агар ушбу талабдан келиб чиқадиган бўлсак, туризм соҳасида рақобатбардошликни ифодалаш учун курсаткичлартизимидан фойдаланиш мақсадгамувофиқдир. Ушбу соҳада рақобатбардошликни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимини уч гуруҳга бўлиш лозим. Буларга:

-туризм соҳасининг рақобатбардошлигини ифодаловчи
кўрсаткичлар;

- туристик фирмалар рақобатбардошлигини ифодаловчи
кўрсаткичлар;

- туристик хизматлар рақобатбардошлигини ифодаловчи
кўрсаткичлар.

Мазкур бобда, ушбу келтирилган кўрсаткичлардан фақат туризм соҳасининг рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига тўхталамиз. Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини аниқлаб, уларнинг ахборот таъминотини аниқ белгилаб, ўзгаришларига тегишли хулосалар бериш лозимдир. Бу кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1. Туристик соҳа даромадлигининг рақобатбардошлиги;

1.1 Туристик фирмаларнинг харажатлари рентабеллиги (P_x)

$$P_x = \frac{\Phi_c}{X_6} * 100$$

Б у н д а : Φ_c -Соф фойда,

X_6 - барча харажатлар миқдори.

1.2 Туристик фирмаларнинг даромадл илиги (Дт)

$$D_x = \frac{D_{\text{я}}}{X_6} * 100\%$$

Бунда: $D_{\text{я}}$ - туризм соҳасининг ялпи даромади.

2. Туризм соҳасидан давлатининг фойда олиши орқали унинг фаолиятидан манфаатдорлиги:

2.1 Туризм соҳасидан тушадиган солиқлар ва бошқа тушумларнинг ўзгариш суръати ($C_{\text{ўс}}$):

$$C_{\text{ўс}} = \frac{C_{\text{хй}}}{C_{\text{ўй}}} * 100\%$$

Бунда: $C_{\text{хй}}$ - солиқ ва бошқа тушумларнинг ҳисобот йилидаги миқдори; $C_{\text{ўй}}$ - солиқ ва бошқа тушумларнинг ўтган йилдаги миқдори;

2.2 Туризм соҳаси тўлайдиган солиқларнинг давлат [махаллий] бюджетдаги улуши ($C_{\text{ул}}$):

$$C_{\text{ўс}} = \frac{C_{\text{ОЛхй}}}{B_{\text{м}}} * 100$$

Бунда: $B_{\text{м}}$ - бюджетнинг умумий миқдори

2.3 Туризм соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши ($T_{\text{м.ул}}$):

$$C_{\text{м.ул}} = \frac{T_{\text{м}}}{Y_{\text{ИМ}}} * 100$$

Бунда: Тм - туризмнинг ялпи маҳсулоти;

ЯИМ - ялпи ички маҳсулот

2.4 Хорижий валюта тушумининг ўзгарте;едшюш:

$$C_v = \frac{X_{B_x}}{X_{B_{yй}}} * 100$$

Бунда: Хвқ - хорижий валюталарнинг ҳисоби миқдори

Хв.ўй - хорижий мамлакатларнинг ўтган йиллик миқдори.

3. Туризм соҳасидан аҳолиниш қийматдаги фойдаси

3.1 Аҳолининг иш билан бандлиги даражаси (Абд):

$$A_{бд} = \frac{T_{хс}}{И_{кхс}} * 100$$

Бунда: Тхс - туризм соҳасида банд бўлган ходимлар сони;

Иххс - иш қобилиятига эга ходимлар сони.

3.2 Туризм соҳасидан олинадиган даромаднинг аҳоли жон бошига тўғри келиши (Дажб):

$$D_{ажб} \frac{T}{D}$$

Бунда: ТД - туризм соҳасидан аҳолига тегишли даромадлар миқдори;

А-аҳолинингўртача йиллик сони.

Таҳлил жараёнида ҳар бир кўрсаткич бўйича унинг мутлақ ва нисбий фарқи топилади. Уларнинг ўзгариш тенденциясини аниқлаш учун динамикаси ҳам таҳлил қилинади. Таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири ўрганилаётган кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ҳисоблашдан иборатдир. Бу омилли таҳлил мазкур кўрсаткични яхшилаш бўйича ички имкониятларни ахтариб топиш таъсирчан қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Таҳлилнинг яна муҳим вазифаларидан бири рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан ягона комплекс кўрсаткични аниқлаб,

таҳлил қилинаётган субъектлар бўйича рейтингини аниқлашдан ҳам иборатдир. Бу учун кўрсаткичлар тизими асосида ягона комплекс кўрсаткични аниқлаш усулларида фойдаланиш йўли билан туризм соҳасида рақобатбардошлик бўйича уларнинг рейтингини аниқлаш мумкин. Бундай усуллар, таъкидланганидек, иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилган. Шу туфайли бу масалага тўхталмадик. Бундан ташқари, биз ушбу ишда фақат туризм соҳасининг рақобатбардошлигини кўриб чиқдик. Бу соҳада ушбу кўрсаткичлардан ташқари, таъкидланганидек, яна туристик фирмалар рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва туристик хизматлар рақобатбардошлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам мавжуд. Таҳлил жараёнида ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга. Зеро, туризм мамлакатимиз учун иқтисодиётнинг муҳим даромад келтирувчи соҳаларидан биридир.

3-БОБ. ХИВА ТУРИСТИК КЛАСТЕРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

§3.1. Хоразм вилояти туристик хизматлар тармоғининг ривожланиш истикболлари

Туризм соҳаси жаҳон иқтисодиётининг муҳим, динамик тармоқларидан бири бўлиб, асримиз феномени ҳисобланади. Кўпчилик ривожланган Франция, Испания, Швецария каби мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулоти таркибининг аксарият қисмини туристик хизматлар ташкил этиши аввало, мамлакатда қўшимча иш ўринларининг яратилиши билан аҳолининг бандлигининг барқарор ўсиши, миллатлараро маданий боғланишни таъминлаш каби бир қатор ижтимоий - маданий тараққиётнинг манбаи ҳисобланади. Бундан ташқари, туризм соҳасининг тараққиёти иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари ҳисобланган транспорт ва алоқа хизматларининг ўсишига, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, қурилиш ва қишлоқ хўжалигининг юксалишига шунингдек, ташқи савдо айланмасига ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз ўзининг мустақил ижтимоий-иқтисодий тараққиётини амалга ошириш борасидаги иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш стратегиялари замирида туризм соҳасини замонавий стандартлар асосида шакллантириш, маҳаллий туристик ресурсларнийўналтириш, туристик комплексларни ташкилий ва моддий жиҳатдан таъминлаш, инфраструктура ва сервис хизматларини йўлга қўйиш, замонавий маркетинг билан қуролланган бошқарув тузилмаларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, инвестиция ва кадрлар ресурси билан таъминлаш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш каби вазифалар ётади.

Хоразм вилоят ҳудудининг туристик бозори тарихан туристик ресурсларга бойлиги билан нафақат мамлакатимизда балки марказий Осиёда ҳам ўзининг жозибадорлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимизни модернизациялаш ва иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган ривожлантириш дастурларида хизмат кўрсатиш соҳасини хусусан, туризмни

ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор режалар амалга оширилиб келинмоқда. Давлат хужжатларида белгиланган вазифалар амалга оширилиб, тармоқда самарадорлик суръатлари ижобий томонга ўсиши кузатилган ҳолда, ўтган ўн йиллик давомида сезиларли муваффақиятларга эришилган бўлсада, туризм соҳасининг ҳозирги ҳолати унинг келгусидаги барқарор ўсиб бориши, ушбу соҳада қатор ташкилий, инвестицион, ҳамда соҳада фаолият олиб боровчи мутахассис кадрлар билан таъминланишида муаммолар мавжудлигини олиб борилган тадқиқотлар кўрсатиб турибди. Мазкур битирув малакавий иш юқорида кўрсатилган вазифалардан келиб чиқиб, соҳани қиёсий ўрганган ҳолда мавжуд муаммо ва тўсиқлар аниқланиб, уларнинг ечимлари бўйича муайян вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Хоразм вилоятида туризмнинг ривожланиш ҳолатининг SWOT-таҳлили

Кучли томонлар	Кучсиз томонлар
– Туризмнинг турли хил шакллари (тарихий, танишув, илмий-этнографик, экологик, спорт, саргузашт, экстремал туризм)ни ривожлантириш учун катта миқдордаги ресурсларнинг мавжудлиги; – Туризм ва меҳмонхона хўжалиги учун мутахассислар тайёрлайдиган салоҳиятли олий ва ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларининг мавжудлиги; – Ургенч ва Хива шаҳри меҳмонхоналари умумий сонидида паст категорияли меҳмонхоналар улушининг кўплиги; – Хива шаҳрида шаҳрида ЮНЕСКО дунё маданий мероси рўйхатига киритилган бетакорор тарихий-меъморий обидаларнинг мавжудлиги, шаҳарнинг юқори имиджга эгалиги, машҳурлиги янги маршрутлар ва туристик пакетларни ташкил қилиш имкониятини яратади; – Ривожланган транспорт инфратузилмаси (Халқаро тоифадаги автомобил йўллари, халқаро аэропорт, вокзал ва бошқалар)га яқинлиги; – Ривожланган овқатланиш инфратузилмаси ва кўрсатилаётган хизмат ва нархлар ўртасидаги тафовутлар; – Даволаш-соғломлаштириш туризмини ривожлантириш учун етарли ресурсларнинг мавжудлиги; – Табиий иқлим ва экологик, тарихий –маданий, диний ҳамда рекреацион ресурслар салоҳияти; – Диний, маданий, спорт, савдо, илм-фан, кургазмалари, фестиваллар, концерт, форумлар ва семинарлар утказиш учун инфраструктуравий тармоқларнинг мавжудлиги;	– Ишловчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг заифлиги; – тасарруфидаги меҳмонхона ва бошқа туризм объектларининг тўлиқ юкланишини таъминлайдиган кунлик барқарор туристик оқимнинг йўқлиги; – ташриф буюрган туристларни 1-3 кундан ортиқ ушлаб қолиш имкониятини берувчи кўнгилочар муассасалар, ҳордиқ чиқариш объектларининг камлиги; – Коммунал хизмат тизимидаги муаммолар туфайли табиий газ, ичимлик суви, электр таъминотидаги узилишларнинг мавжудлиги; – Корхона худудидан ўтаётган автотрасса ва магистралларда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган тиббий ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаларининг камлиги, санитария-гигиена хоналарининг ва улар меъморий ечимларининг талабга жавоб бермаслиги; – Туристтик корхона ва меҳмонхона сифатидаги ўзига хос брендининг шакллантирилмаганлиги; – Шаҳар ички йўллари ва республика тоифасидаги автомобил йўллариининг айрим участкаларида асфальт-бетон копламалари сифат кўрсаткичларининг пастлиги; – Корхона жойлашган худуддаги халқаро аэропорт орқали жануби-шарқий осие давлатларидан Европага ва тескари йўналишларда транзит маршрутларнинг йўлга қўйилмаганлиги; – Маҳаллий ва хорижий туристларни қабул қилиш

- Дунёга машхур инсонларнинг номи билан боғлиқ объектларнинг(қадамжоларнинг) мавжудлиги;
- Туризмни ривожлантириш учун хизмат, бизнес ва ижтимоий ташкилотларнинг барқарор ривожланаётганлиги;
- Халқаро оммавий кунгил очар ва бошқа маданий тадбирларнинг даврий ташкил этилиши (шарқ тароналари);
- Вилоятнинг географик нўқтаи назардан Буюк ипак йўли ва Республиканинг марказий транспорт тугунига боғланганлиги;
- Ахборот алоқа узатиш ва телекоммуникацион замонавий тизимлар билан таъминланганлик;
- Туризм тармоғида фаолият олиб борувчи субъектларнинг ўзаро рақобатнинг барқарорлиги;
- Туристик ресурслар бозорини ривожланишини таъминловчи давлат дастакларининг босқичма-босқич ривожлантирилиши.

- даражасидаги замонавий дам олиш зоналарининг яратилмаганлиги;
- Инвестицион ресурсларнинг тақчиллиги;
- Табиат масканларида жойлашган корхонага тегишли туризм инфратузилмаси объектларининг маънан ва жисмонан эскирганлиги;
- Технологияларнинг мукамал эмаслиги, индивидуал ва бизнес-туристларга хизмат кўрсатиш тажрибасининг камлиги;
- Ўтказилаётган тадбирлар бўйича реклама тадбирларининг пухта ўйланмаганлиги, самарали реклама фаолиятини ташкил этишдаги камчиликлар (санаси, миқёси ва бошқа маълумотларни беришдаги кечикишлар ва ҳ.к)
- Туристик инфраструктураларнинг тарққлиги ҳамда улар билан тижорат-хўжалик алоқаларининг мутаносиб эмаслиги;
- Туристик бозорда нарх тизимининг методологик асосланмаганлиги;
- Янги турдаги турмахсулотларни яратиш, уларни силжитиш бўйича маркетинг тизимларининг номуносиблиги;
- Реклама тадбирлари, воситалари тизимларининг заифлиги.
- Халқаро туризмни ривожлантириш бўйича коммуникацион тизимларнинг тарққлиги;
- Ўзбек туризм МК ва унинг вилоят бўлимида статистик маълумотларни ишлаш ва субъектларга ташкилий-ҳуқуқий кумак берувчи, шунингдек маркетинг амалиёти бўйича алоқаларнинг заифлиги;
- Туристик фирмалар билан ўқув марказлари ўртасида интеграциянинг заифлиги;

	– Кўпгина туристик объектларда сервис хизматларининг технологик жараёнлари халқаро стандартларга мос келмаслиги; – Нарх ва туристик хизмат сифати ўртасидаги номуносивлик; – Туризм ҳамда туристик хизматлар тўғрисида аҳоли ўртасида уларнинг билим савиясини ошириш бўйича ишларнинг ривожланмаганлиги; – Туристлар оқимининг логистик тизимини самарали бошқаришдаги тарқоқлик; – Кластер корхоналари ҳамда инфраструктуравий ва инвестицион салоҳиятга эга бўлган туроператорларнинг йўқлиги; – Маркетинг тизимининг заифлиги.
Имкониятлар – Халқаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши орқали вилоят турмаҳсулотини илгарилатиш имкониятларининг кенгайиб бораётганлиги. – Турли-туман туризм шакллари турларини ривожлантириш имкониятлари. – “Ургенч” халқаро аэропорти орқали Европа-Жануби-Шарқий Осиё йўналиши орқали транзит туристларни қабул қилиш имкониятлари. – Туризм инфратузилмасига хорижий ва маҳаллий инвестицияларни киритиш ҳисобига корхонанинг иқтисодий салоҳиятни ошириш имкониятлари. – Хизмат бозорини кенгайтириш ҳисобига иқтисодий салоҳиятни ошириш имкониятлари. – Корхонанинг жалб этиш қобилиятини моҳирона маркетинг	Салбий таъсир, таҳдид – Республика вилоятларида туристик хизматлар кўрсатувчи субъектлар ўртасида рақобатчиликнинг кескинлашуви. – Аҳолининг туловга қодир талабининг даромад камайиши ҳисобига тушиб кетиши. – Қушни республикалардаги салбий сиёсий вазиятларнинг вужудга келиши. – Фарғона водийси вилоятлари билан ўртада транспорт алоқаларидаги ноқулайликлар. Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам вилоятга хос туризм турларининг ривожланаётганлиги, кучли рақобат; – Корхона турмаҳсулотини халқаро бозорларда илгарилатишга қаратилган маркетинг сиёсатининг заифлиги; – Вилоят аҳолиси томонидан халқаро ва ички туризм

сиёсати олиб бориш орқали ривожлантириш имкониятлари. – Барқарор ижтимоий-сиёсий вазият . – Вилоятнинг экотуризм, зиёрат туризми, ландшафт туризми, агротуризм каби туризмнинг алоҳида турларини ривожлантириш учун табиий ресурсларнинг мавжудлиги; – Инфраструктурани ривожлантириш учун Давлат томонидан инвестицион дастурларнинг изчил амалга оширилаётганлиги; – Туристик хизматларга бўлган талабнинг шаклланишини кувватловчи ижтимоий-иқтисодий шарт- шaroитларнинг мавжудлиги. – Туристик хизматлар бозорининг мавжуд турресурслардан ва инфраструктурадан самарали фойдаланиш эвазига ўсиш имкониятининг мавжудлиги – Вилоятдаги ички ва ташқи туризмнинг кенгайиши учун турресурсларнинг жозибадорлиги. – Шаҳарсозлик ва ободонлаштириш ишларининг барқарор ўсиб бориши – 3.7 Аҳоли ўртасида диний, маданий меросларга, тарихий обидаларга, шунингдек ўлкашуносликка бўлган қизиқишнинг ўсиб бориши.	хизматларига бўлган талабнинг суствлиги; – “Тошкент” ва “Бухоро” халқаро аэропортининг имкониятлари ва нуфузи жиҳатдан юқори рейтингларга эгалиги; – Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги муаммолар; – Соҳадаги динамик ўзгаришларни кузатиш ва таҳлил қилиш имкониятини берувчи тўлиқ статистиканинг йўқлиги.
--	--

Ушбу таҳлил натижаларига кура Хоразм вилоятида туристик хизматлар бозорини ривожлантириш қўйидаги стратегик йўналишларда акс эттирилган.

Таҳлилда кўрсатиб ўтилган кучли томон ва имкониятларни таққослаган ҳолда дастлаб, туристиксоҳанинг етакчи тармоқларининг аниқлаб олиш зарур бўлади. Ушбу кетма-кетликка кура келгусидаги истиқболли йўналишлардан бири сифатида тижорат туризмини кўрсатиш мумкин. Маълумки, Хоразм тарихан Буюк Ипак йўлида жойлашганлиги боис, ҳалқаро тижорат алоқалари мунтазам ривожланиб келинган. Бугунги кунда вилоят ҳудудидан ўтувчи транспорт алоқа йўллари мазкур тармоқнинг изчил ривожланишига катта имкониятлар яратиши муқаррардир. Шу билан бирга бизнес субъектларини ташқи иқтисодий фаолиятга жалб этган ҳолда ташкилий чора –тадбирларни амалга ошириш шунингдек, бизнес форумлар, биржа савдоларини жаҳон биржалари билан ҳамкорлигини таъминлаш, замонавий логистик терминалларни яратиш ҳамда кургазма заллари, замонавий алоқа иншоотлари кабиинфраструктуравий объектларни йўлга қўйиш долзарб вазифалардан биридир.

Худди шундай рекреацион туризмтармоғини ривожлантиришучун вилоятда улкан салоҳият мавжуд. Мазкур соҳадаги фаолиятни бугун Ургенчва Хива, Боғот, Хонқа туманларидаги санаториялар ва соғломлаштириш профилактик комплекслар, болалар лагерлар шаклида, Миронкул ва Ургут зоналаридаги корхоналарга қарашли дам олиш объектлари шаклида куришимиз мумкин. Ушбу комплексларни ривожлантириш мақсадида уларни таркибий узгартириш, менежментини замонавий усулларда қайта ташкил этиш; модернизациялаш жараёнига тадбиркорларнинг кенг оммасини жалб этган ҳолда инвестиция киритиш чора-тадбирларини амалга ошириш, мазкур объектларни курортлар тизимига айлантириш, бюджетдан инвестициялар киритиш; --соғломлаштириш-даволаш тизимларини модернизациялаш, Қушработ туманидаги минераллар

билан даволаш марказини вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритиш;

Рекреацион тармоқнинг спорт-соғломлаштириш комплексларига эътибор қаратиш, ушбу турдаги хизматларнинг силжитиш учун аҳоли ўртасида спорт, соғломлаштириш, турмуш тарзи тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали социал реклама ахбороти билан узлуксиз тушунтириш ишларини олиб бориш.

Туристик бозорнинг яна бир истиқболли тармоғи анъанавий саналган тарихий-маданий туризм бўлиб, мавжуд маданий, этнографик, фольклор тадбирларнинг ўтказилишининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиб турилиши шунингдек, тарихни ўрганиш бўйича фестиваллар, илмий семинарлар ва кўргазмаларнинг ўтказилиши, мавжуд инфраструктурадан самарали фойдаланиш масалалари ушбу туристик бозор тармоғини ривожлантириш омилларидандир.

Вилоятда спорт туризмни ривожлантириш учун ҳам қатор имкониятларни хусусан, Хива, Ургенч, шаҳарлардаги мавжуд спорт иншоотларини, стадионларни модернизациялаш, инвентарларни янгилаш каби чора-тадбирларни амалга оширилишида кўриш мумкин. Бундан ташқари, мазкур йўналишдаги вазифалардан яна бири, қўллаб-қувватлаш спорт турлари бўйича халқаро, республика ва вилоят мусобақаларини тизимли ўтказилишини ташкил этиш зарур. Спортнинг эшак эшиш бўйича турини ривожлантириш учун Хоразм шаҳри шарқидаги сув ҳавзасини давлат бюджети ҳисобидан қайта таъмирлаш, ўқув юртларида ушбу спорт тури бўйича спортчиларни тайёрлаш ишларини ривожлантириш, бу соҳадаги барча маркетинг амалларини аниқлаш, реклама ишларига катта эътибор бериш талаб этилади. Вилоят ҳудудидаги қаратэ, таэквандо, каби шарқ яққа кураши ва миллий кураш, самбо, дзюдо бўйича ташкилий-амалий тажрибаларнинг мавжудлиги ушбу йўналишда ҳам катта имкониятлар борлигидан дарак беради. Бунинг учун эса йирик мусобақаларни даврий равишда ташкил этиб бориш зарур бўлади.

Бугунги кунда зиёрат туризми етакчи туристик хизматлардан ҳисоблансада ундан тўлиқ фойдаланишнинг имконияти бўлмаяпти. Қатор зиёратгоҳларда зиёратчиларгатранспорт ва сервис хизматларини кўрсатиш талаб даражасида эмаслиги, курсатилаётган хизматларнинг санитария талаблари ва муайян стандартларгамос келмаслиги каби муаммолар шу каби кадамжолардаинфраструктура тизимларини яратиш ҳамда уларнийўлга қўйишушбу соҳадагиамалга оширилиши зарур бўлгантадбирлардан ҳисобланади.

Экологик туризм тармоғи оммавий туризм тури ҳисоблансада вилоятда бу тармоқ тизимли ташкил этилмаган. Ушбу туристиктармоқни турли йўналишлар бўйича ривожлантириш, транспорт тизимини шунингдек, мазкур йўналишлар юзасидан оммавий ташвиқот ишларини йўлга қўйиш вилоятда ичкитуризмни янада ривожланишига катта туртки беради.

Олинган таҳлил материалларига кўра туристик хизматлар бозорининг имкониятлари ва заиф томонларини таққослаш натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин,яъни ***вилоятда туризм соҳасини мувофиқлаштирувчи мавжуд бошқарув тузилма, мутахассис кадрлар ва қонунчилик базаси, инвестицион муҳит, туристик инфраструктура имкониятларни тўлиқ амалга ошишига тўсқинлик қилади. Уни бартараф этиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:***

- туристик хизматлар бозорини тартибга солиш, бунинг учун нарх ва сифат мутаносиблигини таъминлаш;

- туристик хизмат кўрсатувчи субъектлар ва давлат бошқарув органлари жамият, шунингдек, Ўзбектуризм МК Хоразм вилояти бўлими ўртасидаги коммуникатцион алоқаларни самарали ўрнатиш;

- туристик хизматларнинг устувор тармоқларини давлат бюджети кўмагида қўлаб- қувватлаш;

- маркетинг амалларини кучайтириш асосида вилоят туристик маҳсулотларинингбрэндини яратиш ва бозорнинг жозибадорлигини оширувчи образ ҳосил қилиш;

-туристик соҳада халқаро ва ички ўзаро муносабатларни оширишни таъминловчи шароитлар яратиш;

- Ўзбектуризм МК Хоразм бўлимида Марказий статистик маркетинг ахборот тизимини таъминловчи марказ ташкил этиш, ўқув марказлари билан интеграцияни кучайтириш.

Туристик объектларга нисбатан муносабатни кучайтириш масаласи бўйича:

- вилоят дастури даражасида табиий, маданий ва тарихий объектларни муҳофазасини қўллаб қувватлаш;

- туристик объектларда сервис хизматларнинг ўрнатилган стандарт асосида назоратни кучайтириш;

- миллий калорит берувчи янги турмахсулот яратиш ва бозорни ўзлаштириш бўйича маркетингни кучайтириш;

Туризм инфраструктурасини ривожлантириш бўйича:

- транспорт, алоқа коммуникациявий тузилмаларни модернизациялаш, ташкилий ва молиявий қўллаб-қувватлаш.

Бозор ва рақобатни кучайтириш масаласи бўйича:

- ҳудуддаги туристик ташкилотларни рағбатлаш, қўллаб- қувватлаш;

- сервис хизматлари кўрсатувчи кичик ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш;

- туристик тармоқда рақобатни қўллаб- қувватлаш;

- туристик бозорни урганишда малакали тадқиқотлар утказиш ва товар яратиш ҳамда уни силжитиш бўйича маркетинг амалларини илмий асосда ташкил этиш.

Туризм соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларни мақсадли йўналтириш масаласи бўйича:

- кадр тайёрловчи ўқув марказлари – Хоразм туризм коллежи ва Хоразм иқтисодиёт ва сервис институти билан интеграцияни чуқур ўрнатиш, талабалар амалиёти учун ягона ўқув маркази базасини яратиш;

- соҳа ходимларини мақсадли дастурлар асосида малакасини узлуксиз ошириш тизимини яратиш ва йўлга қўйиш;

Янги маҳсулот яратиш ва уни бозорда силжитиш масаласи бўйича:

- истеъмолчиларнинг кенг гуруҳлари талабларини ўрганиш асосида янги туристик маҳсулотлар яратишни қўллаб-қувватлаш;

- ички туризмда вилоят образини ифодаловчи турмаҳсулотни яратишни ташкилий ва молиявий қўллаб- қувватлаш;

- ички туристик бозорда социал гуруҳларга нисбатан дифференциалланган сиёсатни юритиш.

Вилоят туризм соҳасини бошқариш тизимини ривожлантириш бўйича:

- туристик корхоналар учун умумий бўлган шароитлар яратиш, фаолият параметрларини сертификациядан ўтказиш;

- инвестицион муҳит яратиш;

- маркетинг фаолиятини йўлга қўйиш.

Хоразм вилоятининг туристик тармогининг стратегик устун салоҳиятини оширишга қаратилган вазифалар:

- кучли томон билан тўсиқ бўлувчи таҳдидларни таққослаш натижасида мавжуд ҳудудий салоҳият ташқи таҳдидларни бартараф этиш ҳамда унинг стратегик устунлигини таъминлайди;

- мавжуд бозордаги ҳудудий потенциал қўшни вилоятлар рақобатчи фирмаларининг таҳдид солишига йўл қўймайди.

- спорт-рекреацион комплексларда сервис хизматларининг сифатини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш.

Хоразм вилоятида туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи тўсиқлар (таҳдидлар) ва заиф жиҳатларни таққослаш натижасида вилоятда туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи чекловларни қуйидаги муаммолар ёрдамида изохлаш мумкин:

Туристтик инфраструктурага боғлиқ муаммолар:

- туристик инфраструктуранинг ҳозирги замон туриндустрия талаблари даражасида эмаслиги(оқимни тақсимлаш воситалари, универсал транспорт тизимининг мавжуд эмаслиги, автомобил йўлларидаги камчиликлар, овқатлантириш тизимидаги технологик жараёнларининг стандартларга мсо келмаслиги, савдохизматларидаги номутоносивлик ва ҳоказолар);

- туристларни ташиш схемасидаги номутоносивлик;
- турпакетни хорижда реклама қилиш, уни силжитишдаги заифлик;
- вилоят аҳолисининг туристлар билан ишлаш бўйича малака ва кўникмаларининг етишмаслиги;
- нарх ва хизмат сифати ўртасидаги номутоносивлик;
- туристик оқимлар логистикаси билан тўлиқ ишлайдиган йирик туроператорларнинг мустаснолиги.

Рақобатбардош маҳсулотларни яратиш ва бозорда уни самарали силжитиш бўйича муаммолар:

- халқаро ва ички бозорда турмаҳсулотни силжитишнинг заифлиги;
- мамлакатда ва жаҳонда вилоят образининг жозибадорлигини ва тиниқлигини ифодаловчи турмаҳсулотнинг йўқлиги.
- туризм индустриясининг ривожланишини таъминланловчи ахборот, ташкилий муаммолар;
- туризмнинг ривожланишини таъминловчи тармоқ бошқарув ва инфор­мацион статистик тизимнинг йўқлиги;
- туризм индустрияси учун малакали кадрларнинг етишмаслиги;
- миллий компания худудий тузилмаси томонидан туристик бизнесни қўллаб қувватлаш ишлари қониқарли эмаслигини инобатга олиб ресторанлар уюшмаси туроператорлар ассоциацияси каби бирлашмаларни ташкил этиш.
- туристлар ҳаракатига боғлиқ рискларнинг даражасини пасайтиришга қаратилган муҳофаза тизимининг талаб даражасида эмаслиги.

Мавжуд тўсиқлар ва муаммолар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу чекловларни бартараф этиш бўйича тизимда қатор имкониятлар борлиги соҳасининг келгусидаги истиқболини белгилаб беради. Бунинг учун эса барча илмий, маъмурий, молийвий имкониятларни изчил сафарбар этиш зарур бўлади.

§3.2. Хива туристик кластерининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари

Туризм жаҳон иқтисодиётининг муҳим қисмларидан биридир. Мамлакат иқтисодиётининг ихтисослашуви ва комплекс ривожланишини бугунги кунда туризм тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида туризм ва саайёҳлик тизимининг стратегик аҳамияти ортиб бормоқда. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви жараёнида туризмга нафақат харажатларни минималлаштириш, балки ўзаро алоқаларни жадаллаштириш омили сифатида қаралмоқда. Ушбу шароитларда туристик корхоналар фаолияти, туристик кластерларнинг рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот ишида рақобат, рақобатбардошлик ва рақобатда устунлик борасидаги турли назарий концепциялар ва амалий ёндашувлар ўрганилди. Мазкур тушунчаларга хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан берилган таърифлар қиёсий таҳлил этилиб, муаллиф таърифи ишлаб чиқилди.

Бизнинг фикримизча «туристик кластерларда рақобат – бу, кластер корхонасининг ўзи учун мақбул шароитга интилишида кўрсатилаётган хизматларининг нархи ва сифати мувофиқлигига эришиш йўли билан истеъмолчиларнинг ишончини қозониши, кўзланган пул маблағларига эга бўлиши учун бозор субъектлари ўртасида юзага келадиган баҳс, мусобақа курашидир». «туристик кластер корхонасининг рақобатбардошлиги – бу,

ўзига ўхшаш рақобатчилар билан олиб бориладиган баҳс, мусобақа курашида тенгликни сақлаб туриш, баъзи ҳолатларда устунликка эришиш қобилиятидир». «Рақобатдаги устунлик – бу, бозор субъектининг рақобатчилар билан бўладиган нарх, сифат ҳамда уларнинг мувофиқлиги бўйича тафовутнинг, нафлиликнинг харидор ва истеъмолчилар учун фарқли кўринишидир».

Республикамиз ва хорижий мамлакатларда бажарилган илмий-тадқиқот ишларида рақобатбардошлик тушунчасига турлича таърифлар берилиб, улар тури хил чизмалар асосида алоҳида-алоҳида изоҳлаб берилган. Бирок, улар ягона бир тизимга келтирилмаган. Мазкур тадқиқот ишида туристик кластерларда рақобатбардошлик ва унинг турлари ягона бир тизимга келтирилишга ҳаракат қилинди (3.2.1-жадвал).

3.2.1-жадвал

Туристтик кластерда рақобатбардошликнинг турлари²⁸

Иқтисодиётда мавжудлиги бўйича	Даражаси бўйича	Амалдаги маъносига кура	Микёси бўйича	Субъекти бўйича
микродаражада	юқори	расмий	худудий	персонал
макродаражада	ўрта	реал (асосли)	миллий	товар, хизмат
мезодаражада	қуйи	яширин	минтақавий	ташкилот
			халқаро	тармоқ
			глобал	мамлакат

Мамлакат туристик тармоқларининг халқаро туристик бозорига кириб бориши ва рақобатбардошлигини оширишда маркетинг концепциясини амалда қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, «Хива туристик кластери» томонидан ўзининг хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишнинг янги йўллари аниқлаб олиш, уларни рақобатчилар ёки бошқа тармоқларнинг илғор фирмалари хизматлари фаолияти билан таққослаш

²⁸ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

ҳамда инновацияларни амалда қўллаши учун бенчмаркинг жараёнини амалга ошириш услубияти ишлаб чиқиш долзар ҳисобланади. Шунинг учун тадқиқот жараёнида Хива туристик кластерида бенчмаркинг жараёнини амалга оширишнинг тахминий услубиятини тавсия қиламиз (3.2.1-расм).



3.2.1-расм. Хива туристик кластерида бенчмаркинг жараёни²⁹

Бенчмаркингни моҳияти, биринчидан, ўз кўрсаткичларини илғор туристик компаниялар ёки рақобатчиларнинг кўрсаткичлари билан солиштириш бўлса, иккинчидан, бошқаларнинг муваффақиятли илғор тажрибаларини ўрганиш ва жорий қилиш технологияси сифатида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш мумкин. Хива туристик кластерида бенчмаркинг жараёнларини ташкил қилиш ва амалиётга жорий этиш,

²⁹ Зиберт Гуннар, Кемпф Штефан. Бенчмаркинг. Руководство для практиков.—М: КИА центр, 2006.—128 с


маркетинг ва рақобат стратегияларини амалга оширишда маълумотлар базасининг роли ва аҳамиятининг катталигини назарда тутган ҳолда маркетинг маълумотлари базасининг такомиллаштирилган тизими ишлаб чиқилди (3-расм).



3.2.2-расм. Хива туристик кластерида маркетинг маълумотлари базасининг такомиллаштирилган тизими³⁰

Миллий ва жаҳон туристик хизматлар бозорида хизматларни сотишда рекламанинг роли катта аҳамиятга эга. Шунинг учун реклама фаолиятини амалга оширининг самарали тизимини ишлаб чиқиш зарур. Хива туристик кластерида туристик хизматларининг сотув ҳажми ва фаолият самарадорлигини янада ошириш мақсадида рекламага жалб қилинадиган харажатларнинг янги диверсификациялашган таркиби тузиш зарур. Бизнинг фикримизча рекламага жалб қилинадиган харажатларнинг янги диверсификациялашган таркиби қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқдир (3.3.3-расм).

³⁰ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.



3.3.3-Расм. Хива туристик кластерида рекламага жалб қилинадиган харажатларининг янги диверсификациялашган таркиби³¹


Тадқиқот жараёнида Хива туристик кластерининг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ маркетинг ва рақобат стратегиялари ишлаб чиқилди. Ушбу стратегияларнинг тузилиши қуйидагича:



3.3.4-расм. Хива туристик кластерининг маркетинг стратегияси³²

³¹ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

³² Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.



3.3.5-расм. Хива туристик кластерининг рақобат стратегияси³³

³³ Муаллиф томонидан тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган.

Хулоса ва таклифлар

Туризм жаҳон иқтисодиётининг муҳим қисмларидан биридир. Мамлакат иқтисодиётининг ихтисослашуви ва комплекс ривожланишини бугунги кунда туризм тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида жаҳон мамлакатлари иқтисодиётида ва халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида туризм ва саайёҳлик тизимининг стратегик аҳамияти ортиб бормокда. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви жараёнида туризмга нафақат харажатларни минималлаштириш, балки ўзаро алоқаларни жадаллаштириш омили сифатида қаралмокда. Ушбу шароитларда туристик корхоналар фаолияти, туристик кластерларнинг рақобатбардошлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Бизнинг фикримизча «туристик кластерларда рақобат – бу, кластер корхонасининг ўзи учун мақбул шароитга интилишида кўрсатилаётган хизматларининг нархи ва сифати мувофиқлигига эришиш йўли билан истеъмолчиларнинг ишончини қозониши, кўзланган пул маблағларига эга бўлиши учун бозор субъектлари ўртасида юзага келадиган баҳс, мусобақа курашидир». «туристик кластер корхонасининг рақобатбардошлиги – бу, ўзига ўхшаш рақобатчилар билан олиб бориладиган баҳс, мусобақа курашида тенгликни сақлаб туриш, баъзи ҳолатларда устунликка эришиш қобилиятидир». «Рақобатдаги устунлик – бу, бозор субъектининг рақобатчилар билан бўладиган нарх, сифат ҳамда уларнинг мувофиқлиги бўйича тафовутнинг, нафлиликнинг харидор ва истеъмолчилар учун фарқли кўринишидир».

Олинган назарий хулосалар ва амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий-амалий таклифларни алоҳида қайд этиш мумкин:

1. Хива туристик кластери томонидан ўз хизматлари ва жараёнларининг сифати ҳамда самарадорлигини оширишнинг янги йўллари аниқлаб олиш, уларни рақобатчилар ёки бошқа тармоқларнинг

илғор фирмалари хизматлари ва жараёнлари билан таққослаш, пешқадам туристик фирмаларнинг стратегия ва тактикасини таҳлил қилиш, шу билан бирга, инновацияларни амалда қўллаш учун эса, бенчмаркинг дастуридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бенчмаркинг жараёнларини амалиётга самарали жорий этиш, маркетинг ва рақобат стратегияларини муваффақиятли йўлга қўйиш учун эса, ишончли маркетинг маълумотлари манбалари ва базасига эга бўлиш кераклиги алоҳида аҳамият касб этади.

2. Замонавий туризм бозорларида туристик хизматлар оқими шунчалик кенг қўламлики, баъзи ҳолларда истеъмолчилар уларнинг нарх ва сифати ёки нафлиги бўйича бир қарорга келишлари қийин кечади. Ана шунда реклама хизматларидан фойдаланилади. Маълумки, хизматлар қанчалик сифатли ва арзон бўлмасин реклама орқали уларни рағбатлантирилиб турилмаса назардан четда қолиб кетиши мумкин. Реклама тадбирларининг самарадорлиги эса, улар қаерда, қачон ва қандай ҳажмда, қанча миқдордаги харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилганлигига ойдинлик киритади. Шу боис, Хива туристик кластерида реклама харажатларининг режалаштирилиши ва ташкил этилиши тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган услубда амалга оширилиши фойдадан холи эмас.

3. Халқаро туристик хизматлар бозоридаги корхоналарнинг ҳар бири ўзига муносиб фаолият кўрсатувчи жозибадорликка ва ишончга эга. Уларда кўрсатадиган хизматлари ҳам турли хил бўлиб, нархлари ҳам фарқ қилади. Бироқ, туристик хизмат кўрсатувчи агентлик ва фирмалар, меҳмонхоналар томонидан мижоз ва истеъмолчиларни ўзига оғдиришнинг ҳам турли йўллари мавжуд. Уларнинг ичида энг таъсирлиси - бу, молиявий манфаатлар асосида амалга ошириладиган чора-тадбирлардир. Ушбу йўналишда миллий туристик хизматларни сотишни рағбатлантириш услубини ишлаб чиқиш, харажатларни мақсадли ва манзилли амалга ошириши лозим.

4. Хива туристик кластерининг маркетинг самарадорлигини ошириш, жаҳоннинг илғор туристик кластерларининг ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш, жаҳон туристик хизматлар бозорида муваффақиятли фаолият

кўрсатиш, рақобатда устун позицияни эгаллаш стратегиясининг роли бекиёсдир. Хива туристик кластерининг рақобат стратегияси хизматларига бўлган янги талабларни шакллантириш, туристик хизматлар бозоридаги улушни, хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, бозордаги позицияни химоялашнинг кучли куролларига эга бўлиш рақобатчилар хатти- ҳаракатига муносиб тарзда жавоб қилишга хизмат қилади.

5. Жаҳон туристик хизматлар бозори конъюнктураси ва ўзгаришлари, улар орасида туристик маршрутлар ва турпакетлар учун кечаётган кучли рақобат, кутилмаганда юз бериши мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришлар ва табиат инжиқликларининг салбий таъсирларига қарши туриш, уларнинг олдини олиш ва ўз фойдасига хизмат қилдириш, қолаверса, бартараф этиш учун маркетинг дастурларини олдиндан тузиб қўйиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ушбу йўналишда самарали ва илғор маркетинг қарорлари қабул қилиш лаёқатига эга бўлган Хива туристик кластерини илғор ва рақобатбардош туристик кластерга айлантириш учун унинг қошида «Маркетинг бошқармаси»ни ташкил этиш таклиф этилади.

6. Дунё минтақаларида йўловчи ва сайёҳлар оқими динамикаси ҳамда туризмнинг ривожланиш тенденцияларининг ўзгариши кузатилаётганлиги, албатта, Ўзбекистоннинг туристик жозибадорлиги ва имкониятларини ошириб боришига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Мавжуд ва кутилаётган талабни ҳисобга олган ҳолда, Хива туристик кластерида туристик фирма, автобус ва таксилар хизмат парки, автомобиллар ижараси, ресторан ва меҳмонхоналар тармоғи, янги замонавий бизнес - спорт ва кичик авиациянинг ташкил қилиниши Хива туристик кластери хизматлари ва даромадлари таркибини диверсификациялашнинг самарали омилларидан бири бўлиши мумкин.

7. Хива туристик кластери хизматлари таркибини диверсификация қилиш орқали унинг жозибадорлиги ва рақобатбардошлигига эришиш ҳамда мазкур бизнесдан олинadиган даромадлар миқдорини янада ошириш муҳим масалалардан ҳисобланади. Ушбу мақсадларга эришишнинг илғор усулларида бири сифатида йўловчилар учун саёҳат билан боғлиқ барча

хизматлар пакетини тақдим қила олиш имкониятига эга бўлган GDS-глобал тақсимот тизимига интеграциялашиш ҳамда Хива туристик кластери чипталарини бронлаш ва сотиш амалиётини интернет орқали GDS га жойлаштириш таклиф этилади.

8. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиганда импорт божхона божи ва қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган технологик асбоб-ускуна, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги №1802-сонли Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг қўшма қарорига Хива туристик кластери учун керак бўладиган барча технологик асбоб-ускуна, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар рўйхатининг қўшимча сифатида киритилиши сезиларли маблағларни иқтисод қилиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати
O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov asarlari,
ma’ruzalari

1. И.А. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислон Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. - Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь. - 3-бет.
2. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-том. – Т.: Ўзбекистон, 2007.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
4. I.A.Karimov «Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch» T. Ma’naviyat nashriyoti 2013 yil.–176 bet
5. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-том. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи 2014 йил 14 январ.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti farmonlari, qonunlari, Vazirlar
Mahkamasining farmoyish, qaror va bo‘yruqlari

1. Ўзбекистон республикаси Президентининг “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1957-сонли қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил 41-42 сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги «Янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1623-сонли қарори
4. "Туризм тўғрисида", Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1999 йил, 20 август.

Darslik va o'quv qo'llanmalar

1. Eshtayev A.A. Axmedov I.A. Aliyeva M.T. Turizmni rejalashtirish: O'quv qo'llanma. – T.: TDIU, 2007. – 189 b.
2. Adilova Z.D., Aliyeva M.T., Norchayev A.N., Xursandov K.M. Turizm menejmenti: O'quv qo'llanma. -T.: TDIU, 2011. -116 b.
3. Qosimova M.S, Ergashxodjaeva Sh.J, Abduxalilova L.T, Strategik marketing: O'quv qo'llanma. –T.: TDIU, 2007. - 208 b.
4. Mamatqulov X.M., Bektemirov A.B., Tuxliyev I.S., Norchayev A.N. Xalqaro turizm. Darslik. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2009. - 192 b
5. Qosimova M.C., Abduhalilova L.T. Marketing tadqiqotlari: O'quv qo'llanma – T.: TDIU, 2007, 157 b.
6. Qosimova M.S., Yusupov M.A., Ergashxodjayeva SH.D. Marketing. Darslik, - T.: TDIU, 2010. 265 b.
7. Salimov. S.A, Marketingni boshqarish. (Darslik). —T.:«Aloqachi» 2010 y., 252 bet.
8. Tuxliyev I.S., Hayitboyev R., boshq. Turizm asoslari. O'quv qo'llanma. SamISI, 2010y.–316 b
9. Волков Ю. Ф. Гостиничное и ресторанное дело, туризм: Сборник нормативных документов. - Ростов-на-Дону: Феникс, 2006.
10. Волков Ю.Ф. – Экономика гостиничного бизнеса. Учебное пособие. – Ростов Док: Феникс, 2005.
11. Джанджугазова Е. А. Маркетинг в индустрии гостеприимства. - М.: Академия, 2005.
12. Дорошев В.И. Введение в теорию маркетинга: Учеб. пособие. — М.:
13. Друкер П.Ф. Эффективное управление. Экономические задачи и оптимальные решения. М.: «ФАИР-Пресс», 2002. - 288 с.
14. Дурович А. П. Маркетинг гостиниц и ресторанов. - Мн.: Новое знание, 2005.
15. Ж. М. Курбонов. З. Э. Мамарасулов. Ж. Ж. Курбонов. “Меҳмонхона хужалигини ташкил этиш” Лексиялар курси. (I ва II қисм) Самарқанд. 2011-й.
16. Жукова М.Ж. Менеджмент в туристическом бизнесе: Учебное пособие. – М.:Ф и С, 2005 -288 с.
17. Зайнутдинов Ш.Н. Менеджмент. –Т.: Издат. - полиг. творч-й дом им. Чулпана, 2011.
18. И. Тухлиев. Ғ. Ҳ.Қудратов. М.Қ. Пардаев. “Туризмни режалаштириш” Тошкент Иқтисод-молия 2010-й.
19. Ибрагимов И.Х Бизнес стратегияси» (Маърузалар матни) СамИСИ, Самарқанд 2006. 141 б
20. ИНФРА-М, 2000. — 285 с.
21. Кабушкин Н.И., Бондаренко Г.А. Менеджмент гостиниц и ресторанов: Учебник. Минск: Новое знание, 2002. - 368 с.
22. Камилова Ф.К., Таишева И.М., Сайфутдинов Ш.С. «Туризм индустрияси» Т.: ТДИУ 2008 й, 167 бет.

23. Камилова Ф.Қ., Ҳамидов О.Ҳ., Камилов З.К. Меҳмонхона ва ресторан хўжалиги маркетинги. Дарслик. ТДИУ. 2011 й, –143 б
24. Квартальнов В.А. Стратегический менеджмент в туризме: Современный опыт управления. М.: Финансы и статистика, 1999. – 496 с.
25. Котлер Ф. Маркетинг. Менеджмент. СПб: Питер, 2005. – 797 с.
26. Котлер Ф. Основы маркетинга. Краткий курс. М.: Издательский дом "Вильямс", 2007. – 656 с.
27. Котлер Ф. Управление маркетингом – М.: Финансы и статистика, 2000. – 745 с.
28. Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм. Учебник. М.: ЮНИТИ. ДАНА, 2002.
29. Котлер Ф. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник для вузов. -М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2005. 1063 с.
30. Макконелл, К.Р. Экономикс: принципы, проблемы и политика / К.Р. Макконелл, С.Л. Брю ; пер. с англ. – М. : Республика, 2001. – 400с.
31. Маматкулов Х.М. Туризм инфратузилмаси. Маърузалар курси. СамИСИ. 2008.
32. Маматкулов Х.М. Хизмат кўрсатиш соҳасига оид атамалар ва иборалар изоҳли луғати. Т., «Иқтисод-Молия», 2010.
33. Манн И. «Маркетинг на 100 %». М.: Издательство РДЛ, 2006. – 126 с.
34. Портер, М. Международная конкуренция / М. Портер; пер. с англ.; под ред. и с предисловием В.Д. Щетинина. – М.: Международные отношения, 2004. – 896 с.
35. Сиссорс Дж., Бэрон Р. Рекламное медиапланирование. 6 издание – СПб.: Питер, 2004. – 416с.
36. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Самарқанд: СамИСИ, 2007. – 208 бет.
37. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент: Учебник. — М.: «Дело», 2004. 448 с.
38. Фатхутдинов Р.А. Управленческие решения: Учебник. М.: «ИНФРА-М», 2003. – 314 с.
39. Фатхутдинов, Р.А. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление / Р.А. Фатхутдинов. – М.: ИНФРА-М, 2005. – 312 с.
40. Фатхутдинов, Р.А. Стратегический маркетинг: учебник //– М. : ЗАО «Бизнес-школа, Интел-Синтез», 2000. – 640 с.
41. Филипповский Е.Е., Шмарова Л.В. Экономика и организация гостиничного хозяйства. Учебник. М.: «Финансы и статистика», 2005.
42. Хотамов И.С., Саъдуллоев Ҳ.И. “Маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш ва истикболлаш”. Дарслик. – Т.: Иқтисодиёт, 2012, 202-бет.
43. Х. М. Маматкулов. “Туризм инфратузилмаси” ўқув қўлланма “Ўзбекистон файласуфлар жамияти нашриёти” Тошкент. 2011-й.
44. Шумпетер, И. Теория экономического развития / И. Шумпетер ; пер. с нем. – М. : Прогресс, 2000. – 455 с.
45. Яковлев Г.А. Экономика гостиничного хозяйства: Учебное пособие. М.: Издательство РДЛ, 2006. – 328 с.

Magistrlik, nomzodlik, doktorlik dissertatsiyalari va dissertatsiya avtoreferatlari

1. Аминова Румина Камиловна методические основы оценки и направления повышения эффективности функционирования организаций индустрии туризма. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Махачкала – 2009. -27 стр.
<http://www.pandia.ru/text/77/352/36490.php>
2. Абдухамидов С.А. Туризм корхоналарида иқтисодий самарадорликни аниқлаш усуллари. магистр даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Самарқанд. 2012 йил 85 бет
3. Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш. и.ф.н. дисс.автореферати, Самарқанд 2006 й.-26 б
4. Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири. и.ф.н. дисс автореферати. –ТДИУ, 2004. -23 б
5. Рахимов З.О. Туризм дестинацияларида стратегик режалаштиришнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш. Диссертация. Автореферат. Сам.: СамИСИ, 2012й, 26 б
6. Сафаров Б.Ш Минтақавий туризм хизмат бозорининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш, и.ф.н. дисс.автореферати, Самарқанд 2011 йил 28 б
7. Файзиева Ш.Р. Ўзбекистонда туризм ривожланишининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. и.ф.н. дисс.- ЎзМУ, 2006. -35 б
8. Юльчиев Дилмурод Алимуратович. Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш истикболлари (“Ўзбектуризм” МК мисолида) 5А810702 - "Халқаро туризм менежменти"мутахассислиги бўйича магистр даражасини олиш учун диссертация. ТДИУ, 2011 й 76 б
9. Алимходжаева Н.Э. Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни маркетинг тадқиқотлари асосида мувофиқлаштириш //Иқт.фан.ном. ...дис. автореф-Тошкент 2011 й–29 б
10. Гаппоров А.Қ. Саноат корхоналарида рақобатбардошликни таҳлил қилиш усуллари// Магистрлик диссертацияси. СамИСИ, Самарқанд, 2007–76 бет

Internet saytlari

1. <http://www.gazeta.uz/uz/2012/07/18/yaim/>–
2. <http://www.dissercat.com>– каталог электронных диссертации
3. . <http://www.pandia.ru/text/77/352/36490.php>–
4. <http://www.ziyonet.uz>–Таълим-ахборот портали
5. <http://www.kitob.uz>– электрон китоблар каталоги
6. <http://www.referet.uz>– рефератлар тўплами
7. <http://www.uzbektourism.uz>–«Ўзбектуризм” миллий компанияси расмий сайти.

8. <http://www.centralasia-travel.com> –«Central Asia Travel»! туристик компанияси расмий сайти
9. <http://www.khorazm.uz>– Хоразм вилояти ҳокимлиги расмий веб сайти
10. <http://www.tdiu.uz>/–ТДИУ расмий сайти
11. <http://www.tfi.uz>/– ТМИ расмий сайти
12. <http://vokrug-sveta.com.ua> –Украина электрон таълим ресурслари сайти
13. <http://www.gobookee.org> –management-phd-thesis-topics
14. <http://www.diffusiontheses.fr> -catalogue-theses-doctorat.html–франция республикаси докторлик диссертациялари каталоги